Adabiyot, madaniyat yashasa – millat yashaydi



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 48 (4603) 2020-yil 4-dekabr

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВА ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг бетакрор ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони, **Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури**ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

2021 йил март ойининг учинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Абдулла Орипов хотирасига бағишланган тантанали адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш;

►2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига унутилмас ҳисса қўшган атоқли адиб ва жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб, адиб таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда **Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури**ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

2021 йил август ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий хотира кечасини ўтказиш;

адибнинг ўзбек тилидаги "Танланган асарлар"ини, қорақалпоқ, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилинган асарларини, шунингдек, **"Ўткир Ҳошимов замондошлари хотирасида"** китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

►2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Миллий эстрада санъатимиз асосчиларидан бири, замонавий ўзбек маданиятини дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, ижодий ва ижтимоий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшган буюк санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров ижодий меросининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан аҳамиятини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш ва хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Бадиий академия, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита таркиби (кейинги ўринларда – Ташкилий қўмита) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастури**ни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

2021 йил декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигига бағишланган хотира кечасини ўтказиш;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада олий мактабини ташкил этиш, у ерда хонанда хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуасини ва музейини барпо этиш;

►2

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

## ВАТАННИ КУЙЛАШ САОДАТИ

*27 ноябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, таржимон, драматург, публицист Жуманиёз Жабборов таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб "Ватанимни куйлайман!" деб номланган хотира тадбири ўтказилди. Унда ёзувчи ва шоирлар, педагоглар ҳамда адибнинг оила аъзолари иштирок этди.*

Шоир ўзининг олтмиш йиллик салмоқли ижодий фаолияти давомида "Ватанимни куйлайман", "Баҳор нафаси", "Мақсад йўлида", "Тоғлар садоси", "Она ер қўшиғи", "Субҳидам хаёллари", "Эътиқод" ва бошқа ўнлаб шеърий китобларини эълон қилди.

– У кишидан жуда бой адабий мерос қолди. Жуманиёз Жабборов кўплаб лирик шеърлар, ғазаллар, достонлар, пьесалар, либреттолар муаллифидир, – дейди адабиётшунос Ҳулкар Ҳамроева. – Шоир жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилди ва адабиётимизнинг бойишига ҳисса қўшди. Устоз адиб, Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома" асарини ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўгирган таржимонлардан биридир. Унинг "Ўжарлар", "Тўйдан олдин томоша", "Жон қўшнилар", "Зиёфат" номли пьесалари пойтахт ва вилоятлар театрида муваффақиятли саҳналаштирилиб, томошабинлар эътирофига сазовор бўлган.

Одатда, барча ижодкорларда ҳам инсонийлик фазилатлари катта истеъдод билан мувофиқ келавермайди. Аммо Ж.Жабборов катта ижодкор бўлиши билан бирга камтар, одамохун инсон эди. Ўқувчилар меҳрини, ҳурматини қозонган, эл-юрт эътирофига сазовор бўлган бундай ижодкор ўз асарларида яшайди.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент шаҳрида ташкил этилган Адиблар хиёбонига 2020 йил 20 май куни ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан эълон қилинган фавқулодда ҳолатларда инсонийлик жасорати ва фидойилик намуналарини кўрсатган замонамиз қаҳрамонлари образлари акс этган асарлар учун ижодий танлов якунланди.

Юртимизда тинчлик-барқарорликни, фаровонлик, сиҳат-саломатликни мустаҳкамлаш, шунингдек, шифокор, тадбиркор, фавқулодда вазиятлар ходимлари каби касб эгаларига чуқур ҳурматни ва Ватан ҳимоячисининг янги қиёфасини шакллантириш, шунингдек, бебаҳо қадрият бўлмиш саховатпешалик, фидойилик каби тушунчаларнинг беқиёс аҳамиятини, она Ватанга, халққа муҳаббат ва садоқат туйғусини, аждодларимизнинг маънавий мероси ва миллий қадриятларимизнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ватандошларимиз қалби, онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қилувчи асарлари учун қуйидагилар танлов мукофотига сазовор бўлдилар:

1. **Рустам Мусурмон** – "Гўзал дунё, тузал, дунё" шеърлар туркуми учун;
2. **Турсун Али** – "Кўл" достони учун;
3. **Анвар Тоғаев** – "Сирдарё садоси" достони учун;
4. **Сардор Ҳамроев** – коронавирус пандемиясига қарши курашиб, минглаб беморлар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида жасорат кўрсатаётган фидойи шифокор ва ҳарбий юртдошларимизга бағишланган "Ёнимиздаги фаришталар" драмаси учун.

Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги




## МАЪРИФАТ НАМОЯНДАСИ

*Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрида улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Унда жамоат ва санъат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар, педагоглар, ёш ижодкорлар йиғилди.*

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жорий йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб даврида, маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлашни таъкидлаган эди. Бугун юртимизда маърифатпарвар аждодларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларига назар ташлаш, уларнинг маънавий меросини ўрганишга, таваллуд саналарини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

... Парда очилиб, саҳнада Маҳмудхўжа Беҳбудий сиймоси гавдаланди. Унинг юзидаги маърифат нури бутун саҳнани нурафшон айлади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ўз сўзида жадидчилик ҳаракатининг намояндалари, уларнинг маънавий бойликларини қанча кўп ўргансак, шунча кам, дея таъкидлади. Бугун аллома ҳаёти ва ижодига оид ҳужжатли фильмлар, асарлар яратиш, замонавий спектаклларни саҳналаштириш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва ғояси асосида ташкил этилган Адиблар хиёбонида унинг ҳайкали ўрнатилган.

Тадбир давомида Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

– Маҳмудхўжа Беҳбудий жадидчилик ҳаракатининг етакчиси сифатида барчага маълумдир, – деди филология фанлари доктори Зайнобиддин Абдурашидов. – XIX аср охирларида Туркистонда бошланган уйғонишга, янгиланишга бўлган ҳаракатнинг бошида Беҳбудийни кўрамиз.

Тадбирда сўзга чиққан "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори Зоҳиджон Исломов Беҳбудийнинг йирик сиёсатчи, ношир, публицист, журналист сифатидаги фаолияти ҳақида гапирдилар.

Маърифий тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажид "Беҳбудийга бағишлов" шеърини ўқиди. Миллий академик театри актёрлари томонидан "Беҳбудий монологи" саҳна кўриниши ижро этилди. Шундан сўнг, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг эвараси Шоҳрух Беҳбудий ўзининг дил сўзларини йиғилганларга изҳор қилди:

– Бугун биз учун катта хурсандчилик кундир, – деди у. – Бобомизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига ташаккур айтаман. Айтишим керакки, Беҳбудийнинг ким эканини, у қандай ижодкор бўлганини оммага етказишда олимларнинг меҳнати катта. Бунинг учун уларга ташаккур. Тадбир ташкилотчиларига ҳам таъзимдаман.

Миллатни уйғонишга, маърифатли бўлишга чорлаган Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёт йўллари, ижод олами ҳали асрлар давомида келажак авлодга катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

**Зулайҳо АҲМАДЖОНОВА,**
**журналист**

►6

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ

**Ҳар бир миллат, ҳар элнинг виждони тирик бўлсин,**
**Нуру чаманга элтар иймони тирик бўлсин,**
**Ҳурлик қуёши балққан замони тирик бўлсин,**
**Ҳар томчи қоним ичра жо бўлган бу тилхатим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Фалакларда чарх урган озода қушларим бор,**
**Ҳоли ҳаётдан гўзал покиза тушларим бор,**
**Ичимда саноғи йўқ баҳору қишларим бор,**
**Очсам дунёни бўйлар изтиборим, ҳасратим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Боқсанг, ҳолинг кўрсатар, кўзгу-ойина ҳаёт,**
**Садоқат сувларига ҳамиша ташна ҳаёт,**
**Миллат десанг чўққига элтгувчи зина ҳаёт,**
**"Самарқанд"дан юксалган ёруғ ўйим-мақсадим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Яшасин адолат ва ҳаққоният – овозим,**
**Туркистон олам узра баланд мақом – лавозим,**
**"Ёшларга мурожаат" – иккимас, тўрт тил лозим,**
**Бугун ҳар кўнгил айтар шул сўз маним нусратим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Илму маърифати йўқ падаркушдан асрасин,**
**Худбинлик балосидек ғам-ташвишдан асрасин,**
**Тафриқа, фитна-фасод, қинғир ишдан асрасин,**
**Ҳазрат боболаримдан мерос дуо – ҳикматим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Англадим, "Қасди сафар" дилга саёҳат асли,**
**"Эҳтиёжи миллат" деб яшамоқ роҳат асли,**
**"Васиятнома" оҳи жонимга беҳад асли,**
**Ўтмаса юрагимдан ҳатто бир сўз айтмадим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Аллоҳим, пок тафаккур басират керак элга,**
**Мунаввару Чўлпону ҳам Фитрат керак элга,**
**Рўзи қиёмат қадар соф Ибрат керак элга,**
**Ватан, миллатдан бошқа йўқ, ахир, саодатим,**
**Маҳмудхўжа Беҳбудий, эй устодим, ҳазратим.**

**Ғайрат МАЖИД**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**Қ А Р О Р И**

# ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВА ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада**

Абдулла Ориповнинг ўзбек тилидаги икки жилдлик “Танланган асарлар”ини, қорақалпоқ, рус, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилинган шеърий тўпламларини, шунингдек, **“Абдулла Орипов замондошлари хотирасида”** китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида “Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий-назарий конференция ўтказиш ҳамда анжуман материалларини алоҳида тўплам ҳолида чоп этиш;

Тошкент вилояти Қибрай тумани Арғин маҳалласидаги Абдулла Орипов яшаган хонадонда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Абдулла Ориповнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

мамлакатимиз театрларида Абдулла Орипов асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш;

умумий ўрта таълим муассасалари, ижод мактаблари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?” мавзусида иншолар танловларини ўтказиш;

Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номидаги ижод мактабида ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида “Митти юлдуз жилолари” шеърият беллашувини ўтказиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиёбонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Абдулла Орипов ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари, китобхонлик ва шеърият кечалари ташкил этиш.

Ташкилий қўмитага Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 2 декабрь*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**Қ А Р О Р И**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ЎТКИР ҲОШИМОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида “Замонавий ўзбек адабиёти ривожида Ўткир Ҳошимов ижодининг ўрни

ва аҳамияти” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш;

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Дўмбиробод маҳалласидаги адиб яшаган уйда ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Ўткир Ҳошимовнинг асарлари асосида спектакллар саҳналаштириш

ва янги фильмлар яратиш;

Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Ўткир Ҳошимов номини бериш;

республика ижод мактаблари ўқувчилари ўртасида “Ўткир Ҳошимов асарларининг билимдонлари” танловини ўтказиш;

мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида адиб асарлари асосида иншолар танловларини ўтказиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ҳамда Адиблар хиёбонида таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Ўткир Ҳошимов ижодига бағишланган учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда китобхонлик кечаларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телеканалларида Ўткир Ҳошимов асарлари асосида яратилган телевизион фильмларни кенг намойиш этиш.

Ташкилий қўмитага Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 2 декабрь*

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
**Қ А Р О Р И**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ БОТИР ЗОКИРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада**

Бадиий академия томонидан Ботир Зокиров ҳайкалини яратиш бўйича танлов эълон қилиш ва уни Тошкент шаҳрида белгиланган тартибда ўрнатиш;

Ботир Зокиров яшаган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 3-уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатиш;

Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага Ботир Зокиров номини бериш;

Ўзбекистон давлат филармониясининг Миллий эстрада-симфоник оркестри билан Ботир Зокиров номидаги эстрада оркестрини бирлаштириб, Ботир Зокиров номидаги миллий эстрада-симфоник оркестрини ташкил этиш;

Ботир Зокиров номидаги жамоат фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмаси иштирокида **“Ботир Зокиров замондошлари хотирасида”** номли китобни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Ботир Зокиров ижодига мансуб тасвирий санъат намуналари ҳамда адабий асарлардан иборат китоб-альбомни ўзбек, қорақалпоқ, рус ва инглиз тилларида нашр этиш;

Ботир Зокиров номидаги замонавий эстрада қўшиқчилари танловини юқори савияда ўтказиш;

Ботир Зокировнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида янги ҳужжатли фильм яратиш;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси орқали Ботир Зокиров ва Зокировлар ижодий сулоласи ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмларни намойиш этиш;

республика театрларида Ботир Зокиров ҳаёти ва фаолиятига бағишланган спектакллар саҳналаштириш;

Ўзбекистон давлат консерваториясида “Ботир Зокиров ижодий меросининг миллий санъатимиз тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти” мавзусида илмий конференция ўтказиш ва анжуман материалларини тўплам ҳолида чоп этиш;

таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмлар ва маҳаллаларда таниқли ижодкорлар, олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида Ботир Зокиров ижодига бағишланган учрашувлар ва ижодий кечалар ташкил этиш.

Ташкилий қўмитага Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 2 декабрь*

*Мамлакатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори атоқли шоиримизнинг минглаб мухлисларини беҳад қувонтирди. Унда белгиланган тадбирлар фақат бир умр халқи ва Ватанини эъзозлаган ва ўзбек адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган ижодкорга кўрсатилган эъзоз ва эҳтиромгина бўлиб қолмасдан, балки маданиятимиз, шу жумладан, адабиётимиз равнақи, келажак авлодларнинг маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлиши кўзда тутилган.*

# ШЕЪРИЯТ МАШЪАЛИ ЎЧМАЙДИ

Айниқса, қарорда “Абдулла Орипов ижодий меросининг ўзбек ва жаҳон адабий-эстетик тафаккури тараққиётидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий-назарий конференция ўтказиш ва анжуман материалларини алоҳида тўплам ҳолида чоп этиш, шоирнинг китобларини қорақалпоқ, инглиз, рус ва бошқа тилларда нашр этиш белгилангани маънавий бойлигимизни кўз қорачиғидек асраш ва жаҳонга танитиш борасида ғоят хайрли ва узоқни кўзлаган мақсад экани билан ажралиб туради.

Ўттиз йиллар олдин Грузияга саёҳат қилганимизда Тбилиси яқинида грузин адабиёти классиги Илья Чавчавадзе уй-музейини зиёрат қилиб ҳайратда қолган эдик. Бундан икки юз йилларнинг нари-берисидаги ҳолат, буюмлар, ашёлар қандай бўлса, шундай сақланиб қолган. Бизда ҳам Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом каби атоқли адибларимизнинг уй-музейлари борлигига шукрона айтамиз. Шоирнинг рафиқаси Ҳанифа аянинг айтишича, Абдулла Ориповдан ҳам катта адабий мерос ва ёдгорлик буюмлари (қўлёзмалар, ижоди билан боғлиқ шахсий буюмлар, эсдалик совғалари ва ҳоказолар) қолган. Менинг ўзимда ҳам қарийб эллик йил шоирнинг ёнида юриб китобларини нашрга тайёрлаш жараёни билан боғлиқ материаллар, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб шеърлари биринчи марта эълон қилинган газета-журналлар тахламлари, ижодий кечалари афишалари, қўлёзмалари мавжуд. Уларни асраб-авайлаш ва сақлаб қолиш, келгуси авлодларга етказишга бурчлимиз. Қарорда белгиланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда ана шу масалаларга ҳам эътибор қаратилади, деб ўйлайман.

Ушбу қарор Абдулла Орипов ёқиб кетган шеърият машъали абадий порлаб туриши, асрлар оша авлодларга маънавий ҳамдам бўлиши йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

**Дониёр БЕГИМҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

**МУНОСАБАТ**

*Давлатимиз Раҳбарининг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигини муносиб нишонлашга қаратилган Қарори сал кам бир ярим асрлик замонавий ўзбек адабиёти, аниқроғи, насримиз босиб ўтган йўлни қайта мушоҳада чиғириғидан ўтказишга ундади. Зеро, ҳозирга қадар ўзбек ҳикоянавислиги, қиссанавислиги ва романнавислиги ниҳоятда катта ижодий изланиш, ривожланиш, юксалиш йўлини ортда қолдирди.*

# ЭЛ АРДОҒИДАГИ АДИБ

Адабиётда мавжуд анъаналар янгиланишга мойиллиги билан қадрли ҳисобланади. Вояга етган ва етаётган янги авлод вакиллари ўз сўзини, ўз нигоҳини ва мезонларини кенг китобхонлар оммасига ҳавола этади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ана шу янгиланиш, тозариш истаклари ўқувчи қалбига йўл топиш билан белгиланади. Бу борада Ўткир Ҳошимов энг сара адиблар орзу ва ҳавас қилса арзигулик мавқега сазовор бўлди. Мана, 60 йилдан ошиб бормоқдаки, Ўткир Ҳошимов асарлари энг кўп ўқиладиган, энг кўп ардоқланадиган муаллифларимизнинг олдинги сафида бормоқда.

Бир суҳбатимизда Ўткир ака: “Мен миллионер ёзувчиман!” дея фахрланиб айтгани ёдимда. Бундай деганда, адибимиз китобларининг неча қайта юз минглаб ададда чоп этилгани, қўлма-қўл ўқилаётганини назарда тутган эди. Дарҳақиқат, шундай. Ўтган асрнинг 60-йиллари аввалида дастлабки “Чўл ҳавоси”, “Одамлар нима деркин” қиссалари нашрдан чиққан бўлса, мана, орадан 60 йил ўтган эса-да, Ўткир Ҳошимов халқимизнинг чинакам маънодаги эл севган, ардоқлаган адиби бўлиб қолмоқда.

Ўткир Ҳошимовнинг адабиётимиздаги ўрни, асарларининг бадиий-маънавий аҳамияти алоҳида мавзу. Қисқача айтадиган бўлсак, Абдулла Қодирий, Чўлпон тамал тошини қўйган XX аср ўзбек насри Ойбек, Ғафур Ғулом, Миркарим Осим, Абдулла Қаҳҳор томонидан давом эттирилди. Сўнгра Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, улардан кейин Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров авлодига мансуб ижодкорлар байроқдор бўлдилар.

Ўткир Ҳошимов ва Шукур Холмирзаев дарғаликни қўлга олган авлод фавқулодда янгилиги билан ўзбек бадиий тафаккурини мутлақо ўзгача ўзанга бурди. Дунёни, инсон руҳий оламини, мураккаб инсоний муносабатлар ва зиддиятларни ҳаётий ҳақиқатлар “чангалзори”да бор мураккаблиги билан очиқ-ойдин тасвирлаш етакчи услуб даражасига кўтарилди. Ўз умрини ўтаган схематизм ўрнини самимият эгаллади. Ясама, жонсиз қўғирчоқлар ўрнига жонли инсонлар образлари яратилди.

Бу – миллий бадиий тафаккурдаги бурилиш, янгиланиш, тозариш жараёни эди!

1975 йилда ёзиб, китобхонларга тортиқ этган қиссаси “Қалбингга қулоқ сол” деб номлаганининг ўзиниёқ Ўткир Ҳошимовнинг адиб сифатидаги улкан гуманизми, деб таърифлаш мумкин. Ўша кезларда Ўткир ака кўплаб публицистик мақолалар ёзар, телеэкран орқали ҳафта сайин “Баҳс” кўрсатувини олиб борар ва адибимизнинг айтишича, республикамизнинг барча ҳудудларидан дил изҳорлари баён этилган минглаб хат-хабар оларди. Ҳар бир нома ватандошларимиз, миллатдошларимиз қалбининг туб-тубидан отилиб чиққан изҳорлар, армонлар, истаклар эди. Ана шу изҳорлар, армону андуҳлар адибнинг ғоятда зукко нигоҳи чиғириғидан ўтиб, пайдо бўлган “Қалбингга қулоқ сол” жумласида тажассум топган эди.

Бадииятнинг шоҳ фазилати бўлмиш ана шу самимият туйғуси Ўткир Ҳошимов асарларининг, қолаверса, бутун ижодининг марказий ўқига, мағзига, маъно-мазмунига сингиб кетди. Ҳикоя, қисса, романлари айни шунинг шарофати ўлароқ одамларнинг, кенг китобхонлар оммасининг қалбини забт этди. “Баҳор қайтмайди” қиссаси ва унинг асосида ишланган телепостановка шуҳрати сўнмай туриб, “Дунёнинг ишлари”да яратилган Она образи ардоқли адибимизга ҳар қандай қалам аҳли орзу қиладиган даражада шон-шуҳрат олиб келди. Адиб яратган Она образи ўзининг ғоятда миллийлиги, мушфиқлиги, жонсараклиги билан оғизга тушди, хонадонларга, қалбларга кириб борди. Унга бўлган муҳаббат Адибга, Романга, Китобга, Мутолаага бўлган меҳр-муҳаббатга айланди.

“Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” романлари нафақат Ўткир Ҳошимов ижодида, балки замонавий ўзбек романнавислигида алоҳида воқеа, алоҳида босқич даражасига кўтарилди.

Ўткир Ҳошимов ҳар қандай ижодкор ҳавас қилса арзигулик ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Жамоат арбоби сифатида масъул вазифаларда фаолият юритди. Ҳукуматимизнинг юксак эътиборига сазовор бўлди.

Ўткир Ҳошимов таваллуд санасининг махсус Қарор асосида кенг нишонлаш воқеаси мамлакатимизда адабиётга, маънавиятга бўлган эътибор тимсоли сифатида адабий жамоатчиликни, улар қатори китобсевар халқимизни беҳад хурсанд қилди. Ардоқли адибимиз тимсолида адабиётимиз юксак эътибордаги адабиёт – ардоқли, шарафли адабиёт мақомига эга бўла бормоқда.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**адиб**

# «КУЙЛАМОҚ — ЯШАМОҚ ДЕМАК!»

*Муҳтарам Президентимизнинг “Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 85 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорини қўшиқ санъати мухлислари, Ботир Зокиров ижодининг шинавандалари қалбда қувонч, кўзда шод-хуррамлик ёшлари билан кутиб олдилар. Қарор санъат ва маданият оламида бахтли ҳодиса бўлди. Бу қарорни салкам 35 йил кутгандик. Ҳамон эсимда, газета топшириғига асосан у кишининг 50 йиллик тўйини қандай нишонлаш бўйича ўзларидан интервью олгани борган эдим.*

— Худо хоҳласа, 50 йиллигимни “Киночилар уйи”да ўтказишни режалаштирдим. Ҳам картиналаримнинг кўргазмасини ўтказиб, янги қўшиқларимни мухлисларга ҳавола этмоқчиман. Иложи борича мақтов сўзлари бўлмайди. Одамлар гапдан безор бўлган. Мақтовдан нари юрган яхши, — деган эди ўшанда Ботир Зокиров.

Афсуски, у кишининг ёруғ ниятлари амалга ошмади. Буюк санъаткор 49 ёшида оғир касалликдан вафот этди. Юбилей ҳам қолиб кетди. 60, 70 ва 80 йилликлари ҳам нишонланмади...

Қарор эълон қилингандан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров билан телевидениеда учрашиб қолдик. Бир-биримизни қучоқлаб йиғладик. Бу ҳақиқатни кўрган кўзнинг ёшлари эди.

— Оллоҳга шукр, ҳақиқат тантана қилди. Ҳақиқат бор экан, — деди Фаррух ака.

Узоқ йиллик изтиробларни эсламадик. Қалбимизда ҳақиқатнинг ойдин туйғулари жўш урарди. Биз муҳтарам Президентимизни қайта-қайта дуо қилдик...

Ўзбек эстрада санъати асосчиси, бетакрор ва ўлмас қўшиқлар ижрочиси Ботир Зокиров миллий қўшиқларни жаҳон саҳналарига олиб чиққан улуғ санъаткор эди. Унинг биргина “Араб тангоси”ни бутун дунё тинглаган, десак муболаға бўлмайди. Жаҳонга машҳур Париждаги “Олимп” эстрада театри саҳнасини икки марта забт этиш ўзбек хонандаси Ботир Зокировга насиб этгани бетакрор бахт.

Қарорни ўқир экансиз, қалбингиз тоғдек юксалади. Шундай буюк санъаткор билан миллатдош, ватандош бўлганингиздан чин дилдан фахрланасиз. Унда Тошкент шаҳрида санъаткор номидаги миллий эстрада олий мактабини ташкил этиш, у ерда хонанда хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаси ва музей барпо қилиш, Б.Зокировнинг ҳайкалини яратиш ҳамда у яшаган Тошкент шаҳридаги уйига ёдгорлик лавҳаси ўрнатишдек вазифалар қайд этилган. Шунингдек, Ботир Зокиров таҳсил олган Ўзбекистон давлат консерваторияси жойлашган кўчага унинг номини бериш, санъаткор номида миллий эстрада-симфоник оркестрини ташкил этиш вазифаси ҳам белгиланган. “Ботир Зокиров замондошлари хотирасида” номли китобни нашрга тайёрлаш ва чоп этиш вазифаси ҳам кўрсатиб ўтилган.

Бир сўз билан айтганда, биздан бироз узоқлашган Ботир Зокиров мазкур қарор туфайли тўла-тўкис сафимизга қайтди. Энди Ботир Зокиров ҳаммамиз билан бирга...

Такрор бўлса ҳам айтмоқчиман, Б.Зокиров ҳаёти ва ижоди ҳақида камтарона китоб ёзган ижодкор сифатида бу қарорни ҳаммадан кўп кутган бўлсам керак. Аслида ҳам кутганим рост!

Таниқли композитор, Ўзбекистон халқ артисти Икром Акбаров Ботир Зокировнинг қўшиқларини қайта-қайта ишлагани, 18-20 марталаб қайта ёзгани ҳақида гапириб: “Ботир юраги даъват қилмагунча қўшиқни куйламас эди”, деганди. Улуғ санъаткор ана шундай юрак даъвати билан ижод қилди ва яшади.

**Ашурали ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист**

Муҳаммад ИСМОИЛ

# УЗОҚДАН ОҚАРИБ КЎРИНАДИ ТОҒ



## УЗОҚДАН...

Узоқдан оқариб кўринади тоғ,
Чинорлар эриниб тўкмоқда япроқ.
Шу осмон остида, шу ер устида,
Тупроқ эдик, яна бўламиз тупроқ.

Юракда жўш урган наволар тинди,
Севги деб аталган даъволар тинди.
Энди сокинликни истаймиз кўпроқ,
Тупроқ эдик, яна бўламиз тупроқ.

Қайдадир оҳиста янграйди азон,
Бир кун ўтиб кетар бизнинг ҳам замон.
Ўзгалар қуради ўзгача даврон,
Тупроқ эдик, яна бўламиз тупроқ.

Ҳеч зот ҳеч нарсани тўхтата олмас,
Ҳамма ҳам ўлгайдир, ўлмасдан қолмас.
Бўлмасак-да сўнгги манзилга муштоқ,
Тупроқ эдик, яна бўламиз тупроқ.

Ким бойлик, ким шуҳрат билан овора,
Ўлим томон кетиб борар тобора.
Барча излар тирик қолмоқ йўлини,
Аммо ҳеч ким топа олмагай чора.

Бу дунё бўлса-да гўзал, мафтункор,
Мадҳ этиб ёзсак-да минг байтли ашъор.
Болаларни қучиб, оналарни қучиб,
Маҳзун тарк айламоқ бошимизда бор.

Аммо Парвардигор раҳм қилгандир,
Абгор ҳолимизни яхши билгандир.
Тупроққа кетсак-да бир кун қоришиб,
Қайта тирилмоқни ваъда қилгандир.

Иймон қалбимизда турсин ёришиб,
Сенга бош урайлик, севиб, зориқиб.
Бир кун қаддимизни кўтаргин ердан,
Тупроққа кетсак-да тамом қоришиб.

Тангрим, фақат ёлғиз ўзингдан нажот,
Сен тортиқ этгайсан ҳаёт ва мамот.
Бизга икки дунё саодатин бер,
Бошимиз саждада бўлсин умрбод.

Тангрим! Узоқ умр ато эт бизга,
Кирайлик тўқсонга, кирайлик юзга
Ёзиб қўйгин шонли номларимизни
Кўкда порлаб турган ҳар бир юлдузга.

Узоқдан оқариб кўринади тоғ,
Чинорлар эриниб тўкмоқда япроқ.

## СИР

Каттанинг ҳам кичик камчилиги бор,
Каттаман деб ҳар дам керилмоқ нечун?
Ҳозир энг севимли, энг гўзал бахт ёр,
Оёғингни қучиб турганим учун.

Олам аҳли нолиб, нотинч юрганда
Керак минбарларнинг юксак гаплари.
Барини унутдим, сўзлаб турганда,
Дунёда энг гўзал қизнинг лаблари.

Менга на йўл узоқ, на-да вақт қиммат,
Чорласанг бораман, йўқ ўзга ишим.
Бор олам ҳуснидан гўзалроқ зийнат,
Сенинг жилмайишинг, кулиб туришинг.

Шаҳарларни кездим, дарёлар кечдим,
Тоғу денгизларга боқдим маҳлиё.
Аммо бу кун буюк бир сирни ечдим,
Бахтдир – қучоғингда бўлмоқлик адо!

Жар солди исёнкор чақириқларим,
Ўзгартмоқ истадим оламни зимдан.
Бекор кетди наърам, ҳайқириқларим,
Сенинг оғушингда таслимман, жимман!

Таҳликага тушиб тўлғонса само,
Юрак туғёнлардан юксалган ондир!
Севги – Худо берган эҳсонлар аро,
Менга энг суюк, энг буюк эҳсондир!

* * *

Юкинг оғирлашиб бормоқда, ҳаёт,
Танни тарк этмоқда бардош ва сабот!
Гўёки яйловда юрган бедов от,
Омочга қўшилиб ҳайдалган мисол.

Юрак таслим бўлар охир, ҳойнаҳой,
Ҳаприқар қочмоққа тополмасдан жой.
Қашқирлар ичида қолган қулун той,
Зир титраб ҳандақда айланган мисол.

Толе нечун боқмай, терс кетдинг, дедим,
Теграмда эдингу тарк этдинг, дедим.
Борар эшигимни ёпгандай эдим,
Борса келмас йўлга шайланган мисол.

Дерлар, ёшликни ёз, қариликни қиш,
Ажал хасталарни излаб топармиш.
Аҳмоқ оёққа дам бермай чопармиш,
Эр йигитнинг бахти бойланган мисол.

Худойим, йиқилдим, қутқар чоҳдаман,
Чоҳдан чиқар йўлни изламоқдаман.
Айт, қандай кўринмас бир сиртмоқдаман,
Жазо ўпқонига ташланган мисол.

* * *

Бу оламда заррамиз, зарра,
Бугун келиб, кетармиз эрта.
Ожизмиз-у, аммо юз карра,
Буюкдирмиз акс этсак шеърда.

Олам ҳамки арзимас гоҳо,
Жон куйдириб ботмоққа терга.
Аммо у ҳам буюк, бебаҳо
Жо бўлганда биз ёзган шеърга.

## СЕНСИЗ

Мен соғиндим сени, кўзи шаҳлони
Ўзимни қўймоққа тополмасман жой.
Мендан тортиб олдинг бутун дунёни,
Энди на Ер бордир, на осмонда Ой.

Қачон тортиб олдинг, айт мендан қачон,
Нафас олай десам нечун йўқ ҳаво?
Қани пойимдаги жумлаи жаҳон,
Қани тепамдаги мусаффо само?

Нечун кўчалар бўш, бўм-бўшдир шаҳар,
Чириллаб айланар бу чархи фалак.
Ургим келаётир кўксимга ханжар,
Бўғзимда бир йиғи инграр жонсарак.

Жой йўқ ўз ичимда ўзимга, бироқ,
Ҳозир ёриламан, портлайман ғамдан.
Овозимда мингта момақалдироқ,
Минг зилзила кучи чиқар танамдан.

Ҳеч ким қололмайди борлиқни асраб,
Уммонлар тошади, қулайди тоғлар.
Оловли вулқондай отилар сачраб,
Менинг қалбимдаги дарду фироқлар.

Мен сенинг ёнингга бораман ҳозир,
Қуюндай дарғазаб, сочиб чанг-тўзон.
Сенга севги изҳор қилмоққа қодир,
Сенга бўлмоқ учун Ер ила осмон.

Мен ўраб оламан тўрт тарафингни,
Сен учун мен мингта одам бўламан.
Бажараман барча айтган гапингни,
Сендан бир он кетмас байрам бўламан.

Мен бўламан сенинг олган нафасинг,
Сен учун бўламан сув, ҳаво, тупроқ.
Менга буюк бахтдир, бахтли яшашинг,
Буюк бахтдир, ҳатто сен учун ўлмоқ!

---

ШАҲРИБОНУ

# ЁЛҚИНЛАР ТИЛИДА СЎЗ

## ВАТАН

Уммонлар бағрида сирлар яширин,
Қуёшни кўрмаган қирлар яширин.
Нигоҳимга кўчган фалак – кўк тоқим,
Кафтимда ўйнайди жилға, шўх оқим,
Зарралар аксида кузатдим, Ватан,
Тўлқинлар тилида сўз айтдим, Ватан.

Парвоз энтиктириб, кўзларим тинса,
Сочимга оймомо нур бўлиб инса.
Соғинчлар истасам, гуллади қирда,
Кипригин ҳар бири сарғиш ранг жийда.
Бургут учмоғида кузатдим, Ватан,
Эпкинлар тилида сўз айтдим, Ватан.

Кўксимда унмоқда юрагим – қанот,
Бошимни қўяман осмонга бот-бот.
Атрофда сокинлик, атрофда шовқин,
Булбул хонишидан соғинч, роз яқин.
Маъюс нигоҳли ҳур – куз ойим Ватан,
Чақинлар тилида сўз айтдим, Ватан.

Уммонлар бағрида бир зарра кўнглим,
Тоғлар юрагида сўқмоқлар йўлим.
Кўксингда титрайди гуллар дудоғи,
Маконсиз муҳаббат – умрим адоғи.
Кўксингда тонг бўлиб боз отсам, Ватан,
Ёлқинлар тилида сўз айтсам, Ватан.

* * *

Бу уйда отам яшар,
Онам яшайди бунда.
Оёқлар келар бошлаб,
Юрагим келар ундаб.

Дардларимни ортмоқлаб,
Судраб ғамлар, аламни.
Хафа бўлиб, тутоқиб,
Йиғим бузиб оламни.

Тўлиб кетса қалб – дафтар,
Ташвиш ютса ямламай.
Келаман мен ҳар сафар,
Онам чойлар дамлагай.

Бу уй жимликда, бесас,
Аср ўтар бир онда.
Бу уй ҳечам ўзгармас,
Оддий ва қадрдонда.

Ҳар не алфоз, ҳар кўйда
У жаннатга ўхшайди.
Отам яшар бу уйда,
Бунда онам яшайди.

* * *

Ранг олган осмондан, зулумот тундан,
Сиёҳранг ҳисларим кулади синиқ.
Қуёш шуъласидан яшнаган, унган,
Гиёҳга ўхшагим келяпти менинг.

Бу ҳаёт бир уммон, узлуксиз оқим,
Бир томчи ёш каби кетгайман сингиб,
Денгизлар бош урган мавжланиб тўлқин,
Қирғоққа ўхшагим келяпти менинг.

Қалбимда орзулар – қуёш ботмаган,
Сен билан мунаввар ўтади оним.
Бахтдан масрур нигоҳ – ёши қотмаган
Қароққа ўхшагим келяпти менинг.

* * *

Сўнгги сўз ўрнида жўнггина сукут,
У кўнглим ярмида эгаллаган жой.
Сўзларим бир куни бўлгуси унут,
Кўзларингда мавжуд жилвагар чирой.



Наҳотки куз бўлди севги мавсуми,
Япроқлар шитири аллалайди маст.
Шамоллар ўқийди сирли афсунин,
Гўё олаяпман энг сўнгги нафас.

Юракнинг тубига руҳим чўкади,
Синади орзулар атиргул бўйли.
Умидлар бирма-бир баргин тўкади,
Сен эса куласан... бирам чиройли.

* * *

Сенга хат йўлладим шамоллар билан,
Ёмғир шивирида шўх кулгуларим...
Гулғунча кафтида ҳисларим – сирлар,
Лабимдан узишга ноз улгурмадим.

Булутлар ортидан эргашди хаёл,
Йўлтумор боғладим райҳон атирли.
Сен томон ошиқди қоқилиб дарём,
Бошқа нимам бордир сенга арзирли?

Кўзларим юмаман – соғинч оғуши,
Кўзларим юмаман – деворлар қулар.
Денгизлардан олдда, тоғлардан ошиб,
Сенга хат йўлладим шамоллар бирла.

* * *

Салом, қуёш, бугун яна учрашдик,
Юракка чўкканда ғамларнинг тоши.
Етказдинг орзулар – сирлар муждасин,
Баланд кўтаргим бор янаям бошим.

Кўкларга юксалгим келади бирдан,
Сендан баландларга чиқсам дегандим.
Воқиф бўлгум бордир мангулик сирдан,
Сайёралар менга сиғса дегандим.

Дардларни саралаб, ғамларни ортдим.
Учишга ҳавасманд қушман, балки мен.
Балки юрак эрур орзулар юрти –
У кўрмоқ истаган тушман, балки мен.

Харобазор уйдан кетса уккилар,
Йўл бўлса камалак фалакка томон.
Заррин қор парчалар, нурлар тўкилар,
Менинг бошим узра чайқалса осмон.

Салом, қуёш... салом қадрдоним нур,
Кўзларимни очдим – нафасим тўлсин.
Кўнглимга бер менинг оловранг ҳузур,
Армонлар йўқолсин, армонлар ўлсин.
Салом, қуёш, салом, заррин томчилар...

* * *

Сайёралар аро арғамчи солдим,
Чексизлик бизларнинг макон, ошиён.
Ҳеч ким тенглашолмас самимий дўстим,
Қонимдан бунёдим, танамдаги жон.

Ой нури, қуёшнинг тафти тенгликда,
Улғайиб боряпти бағримда эман.
Яшаймиз иккимиз битта кенгликда,
Осмонларга учгин, учқурим саман.

Юлдузлардан шода боғланган осмон,
Орзулардан бунёд зангори олам.
Илдам қадам ташла, самолар томон,
Мен эса нур бўлгум йўлингда, болам.

* * *

Қорлар ёғар эди кўкка уланиб,
Бошим узра қалқиб сузарди осмон.
Қўлларимни чўздим сенга эланиб,
Ортингдан талпиниб бўзарди осмон.

Ортингдан тун қора чимматин отди,
Илдизин қўпориб дарахт йиқилди.
Тиғлар санчилишди – юракка ботди,
Ҳайқирдим – бўғзимга недир тиқилди.

Жон талашиб чиқди бўрон – увладим,
Тонггача қон ютди юрак – олишдим.
Қорлар ёғар эди майин, эланиб,
Тонггача тўхтадим нафас олишдан.

* * *

Нигоҳингга дош бермоқлик қийиндир,
Кўзинг қаттиқ, юрагимга ботгудек.
Балки сенга туйғуларим ўйиндир,
Муҳаббатинг шаробми бир тотгулик?

Забт этилган қалъага мен ўхшайман,
Найга тобе илончалик аҳволим.
Босгил қадам, дил пойингга тўшалган,
Жавобсиздир сенга берган саволим.

Ўтда куйиб қайтаманми аслимга,
Севги найза юрагимга ботгулик.
Билсанг агар муҳаббатга таслимман,
Ишқ ва ўлим – шаробдир бир тотгулик.

---

Меҳринисо ҚУРБОНОВА

**ҲИКОЯ**

# МЕНГА ЯШАШНИ ЎРГАТ!



Май ойининг бошида ҳовлимизга қалдирғочлар учиб келди. Ёз ифори ҳукмронлик қилган кунлар бошланди. Кун ҳаддан ортиқ исиди, пашшалар ғўнгилласа-да, ҳаво димлигидан деразаларни очиб қўярдик.

Иккита қалдирғоч ҳар куни у хонадан бу хонага гоҳ дераза, гоҳ очиқ турган эшикдан тумшуқларида лой олиб киради. Ҳеч ким қалдирғочларни ҳайдамади. Лекин фақат менинг эмас, уйдагиларнинг ҳам кўнглида бир нималар ғимирлагани аниқ. Чунки хоналаримизни ўтган йили фалон пулга таъмирлаган эдик.

Қалдирғочлар ўтган йили пешайвонга уя қурган эди. Ўтган йили итимиз кичкина эди, қалдирғочлар ундан сира ҳайиқишмади. Пешайвонда уя ясаб, тухум қўйди, полапонлари катта бўлди, кун совиб кетгунча шу ерда бўлишди. Энди эса итимиз анчагина катта, ҳовлига ҳатто қуш учиб келса вовиллаб безори жон қилади. Биронта барг шитирлаб кетса ҳам югуриб келиб искайдиган одати бор. Қалдирғочлар бу гал баҳайбат итимиздан ҳайиқишди ва қандай қилиб бўлса-да, уя қуриш учун чарх уриб хоналар ичида айланишиб жой излашарди.

Ўйлаб қолдим. Булар уя курадиган бўлишса, демак, жуфти билан уйингиздан "ижара"га жой олиб, биргаликда тайёргарлик кўришади. Қалдирғочлар бир неча кун чуғур-чуғур қилишиб, ҳовлимиз бурчагидаги мен кўпинча ўтирадиган кичкина хонани танлашди. Олдинига мени кузатишди, уларни мен ҳам зимдан кузатишимни аввалига ёқтиришмади, кейин бора-бора кўникишди. Мен шу хонада ўтириб телевизор кўрардим, ишхонамдаги ишларни олиб келиб компьютерда ёзардим. Ишлаётганимда қалдирғочларни киши билмас кузата бошладим. Шунчалик сезгир эдиларки, уларга қараган заҳотим дарҳол ташқарига учиб кетишар, бирпасдан кейин тумшуқларида яна хас-чўп ва лой билан қайтишарди.

Қалдирғочлар одамлар қуриб берган бошпанани тан олишмас экан. Ўзлари қуришар экан, бир ҳафтадан бери тиним билишмади-я. Мен қушларнинг уй қуриш жараёнини кузатмаган эканман. Уларнинг бир парчагина уй қуриш муаммоси менинг муаммомга айланди. Эҳ, Худойим-ай, улар қанча машаққатлар билан қуришган уянинг бир томони қийшайиб тушиб кетди. Лекин унга тегишга ҳақим йўқ! Яқинлашиб бўлмайди. Бу билан улар тўхтаб қолишгани йўқ. Ишни қайтадан бошлашди. Киши билмас газета устига товуқларга берадиган дон, буғдойдан сепиб қўйдим. Улар мен ёзган "дастурхон"га қайрилиб ҳам қарашмади. Бунчалик мағрур бўлмаса бу қушлар, бунчалик ориятли бўлмаса бу қушлар...

Қалдирғочлардан хабар оламану деразадан рўпарамизда яшаётган аёлни кузатаман. Эри ҳар куни қийшайиб ичиб келади, хотинини чапарастасига сўкади, аёл эгилиб-бўкилиб қудуқдан сув тортади, аммо гап қайтармайди. Юзларига қора доғлар тушган келинчакка ачиниб қарайман, оғирини енгил қилгим келади, аммо оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган эрининг олдига яқинлашган одам пушаймон еб ортига қайтади. Нигоҳларимни қалдирғочларга қаратаман. Бунчалик меҳрни, муҳаббатни, қувноқликни қаердан олишган экан?

Негадир тўйиб-тўйиб йиғлагим келяпти, чунки мен ақалли сендек бўлолмадим, қалдирғоч! Жимитдеккина бўла туриб, бунчалик куч-қувватни, сабр-тоқатни қаердан олгансан, қалдирғоч?

Уйларимизнинг ичи таъмирдан чиқдию, лекин ҳовлимизнинг ички деворлари нураб ётибди. Икки челак оҳак, икки банкагина бўёқ билан ҳамма жойни ярим кун ичида оқлаб, обод қилиб чиқишимиз мумкин, дардим бор, дармоним йўқ, хоҳишим бор, ҳаракатим йўқ! Болаларимга "Ақалли шу қушчалардек ҳам бўлолмаймизми, қаранглар, булар уй қуриб ташлашди, биз кўпчиликмиз, келинглар, у ёқ, бу ёғимизни таъмирдан чиқарайлик", дедим ва уларни ишга солдим. Иккита жимитдек қалдирғочнинг бизларни ҳаракатга келтиргани бор гап, биродарлар!

Икки кун дам олиш эди. Бозордан керакли нарсаларни олиб келиб таъмирлашни бошлаб юбордик. Ҳаммаёқ чиройли бўлиб қолди, ўзимиз қилган ишга ўзимиз завқланиб қарадик. "Қалдирғочлар шунча иш қилишганида биз ҳовлини таъмирласак нима бўпти?" дедим болаларимга. Етмиш бешга кирган онамнинг шу ёшида ҳам ҳовлисидаги дарахтларни оппоқ қилиб оқлаб, тагига бир хил қилиб терилган майда тошларни оқлаётгани ёдимга тушаверди. Гўзаллик, дид неча ёшда бўлишидан қатъий назар, одамзодни тарк этмаслигини онам мисолида кўрдим. Чиройли нарсаларга, чиройли одамларга қараб тўймасди раҳматли онам, чиройли, маънили сўзлайдиган одамлар томон интилаверарди онам...

Бир парча жой. Ёйсимон қурилган уя. "Архитектура"си ҳам ўзига хос. "Нега уясини шифтга қадаб солди?" деб ҳайрон бўлган эдим, кейин тушундим. Полапонлари уясидан тушиб кетмасин учун шифтга қадаб уя солишар экан. Полапоннинг боши шифтга тегади, аммо пастга тушиб кета олмайди. Бунчалик ақлни, фаросатни қайдан олгансан, қалдирғочим?

Қўшнининг мушуги деразадан икки марта мўралаб кетди, шифтга лабини ялаб қаради. Икки марта кесак олиб мушукни қувдим.

Кечқурун чақалоқ набирамни кўтариб кирсам, ажабо... улар чақалоқ тепасида чарх уриб айланишди, нималарнидир чуғур-чуғурини қилишди. Ўн ойлик гўдак ҳам хонага кириши билан биров ўргатиб қўйгандек дарҳол қўлларини тепага чўзади, шунга баробар қалдирғочларнинг чуғур-чуғури бошланади. Кутилмаган манзара! Гўдак ва миттидек қалдирғочлар ўртасида ўзаро гурунг бошланиб кетади. Келиним иккаламиз бир-биримизга ҳайрон бўлиб тикиламиз, гоҳида куламиз.

Қўшни ҳовлига бот-бот мўралайман. Мўраламасам бўлмайди. Қўшни аёлнинг ой-куни яқин. Мабодо тўлғоғи тутиб қолса, "Тез ёрдам" чақиришимга тўғри келади. Шўрлик кеча йиғлаб кирди. Эри икки ҳовли наридаги қўшниникига ўғриликка кирибди, пулларини ўмараётганида уй эгалари келиб қолишибди. Ҳозир иши терговда экан. Эшитиб бошимдан ҳушим учди. Энди буёғи нима бўлади? "Эй одамзод, аёлинг эрта-индин фарзандингни дунёга келтиради, сен меҳр кўрсатиш ўрнига, янги меҳмонни кутиб олиш ўрнига қандай гуноҳларга қўл ураяпсан, гумроҳ банда? Сен бир қалдирғоччалик бўлолмадингми? Одам бўлиб туғилдинг, лекин одам бўлмадинг..."

Хуш келдингиз, қалдирғочларим, мен умримда бормаган, бора олмаган, ҳатто тушимда кўрмаган, тасаввуримга-да сиғдира олмаган шаҳарларни кўриб келган, саёҳатчиларим, хуш келдингиз! Одам бўлиб туғилиб, ўтиб бораётган умрим давомида биттагина шаҳарни кўрдим, шу ерда яшадим, шу ерда умргузаронлик қилдим, сизлар эса жимитдеккина бўлиб саёҳат қилиб юрибсиз, мен сизларнинг олдингизда ким бўпман?

Менга яшашни ўргатинг, яшашни... Курашишни ўргатинг, курашишни, ҳаётни севишни ўргатинг, чинакамига севишни...

# ҲАЗИЛИ ҲАМ ШУ, ЧИНИ ҲАМ...

**Ўзбекистон халқ ёзувчиси, “Тафаккур” журнали бош муҳаррири Эркин АЪЗАМ билан суҳбат**



**– Эркин ака, биламан, Сиз оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кўринишни кўп ҳам хушламайсиз. Аммо ЎзА мухбирининг саволларини жавобсиз қолдирмаслигингизга ишонаман. Ҳар ҳолда, бир вақтлар шу даргоҳда бош директорнинг биринчи ўринбосари бўлиб ишлагансиз.**

**Қарияларнинг тили билан айтганда, йил оғир келди, йўқотишлар ҳам шунга яраша кўп бўлди. “Тожсимон вирус” деб номлаганимиз офат инсониятга улкан зиён-заҳмат келтирди. Яхшининг бир ёмони, ёмоннинг бир яхшиси бўлганидек, пандемия даври ҳам инсонларга дурустгина сабоқ берди, ибрат-хулосалар чиқариш учун имкон яратди, назаримда...**

– Хотинларнинг қарғишига ўхшаш гап келяпти тилга: “Берган сабоғи қурсин!”

Энди одамзоднинг кўзи очилди, одам боласи энди тавба қилади, деб ишонаётган бўлсангиз, мени шу сафга қўшмаганингиз маъқул. Бандаси тарихда бу каби балоларга кўп бора дуч келган, агар шулардан оқилона хулосалар чиқарганида бугунги қавмнинг инсоний қиёфаси бутунлай ўзгача бўларди!

Тўғри, ниқоб тақишни ўргандик, тўғри, жон ширинлигини англаб етгандек бўлдик. Аммо уйда ўтираверib биқиқлашдик ҳам, бир-биримиздан бегоналашдик ҳам. Энг ёмони – ўлим ҳодисасига кўникканимиз, унинг кундалик ҳолга айланиб қолгани. Жон ваҳмида жаноза тугул таъзияга боришдан ҳам қўрқамиз бугун. Майли, азбаройи эҳтиёт, азбаройи мажбурликдан дейлик, лекин инсоний қадриятларга зарба, худбинлашув сари кенг очилган дарвоза ҳам бўлди-да бу!

Ширинликка ўрганган бола, нима тақиқ қўйманг, барибир ҳидини олади. Бошимиздан ўтган-да, биламиз. Қаранг, маърифатли, мутараққий Европаси тиббий-ижтимоий чекловларга қарши қандоқ ғалаёнлар қилиб ётибди. Уларнинг ҳаётчанлигини олқишламоқ, шахсий эркинлик талабига ҳавас қилмоқ мумкиндир, бироқ бу васвасаларнинг асоси фароғатга одатланган эрка кўнгилларнинг анчайин тантиқлигига ҳам бориб тақалмайдими, нима дейсиз?!

Ёки ўзимиздаги аҳволни олинг. Ҳукумату илғор жамоатчилик ҳар қанча чекловлар қўймасин, инсофга чақириб толмасин, шу таҳликали кунларда тўю базмларимиз камайди, ихчамлашди, деб ўйлайсизми? Телевизору расмий ҳисоботларда камайгандир, аммо ана, қишлоқларга чиқиб кўринг-чи!..

Албатта, дунёни ташвишга солган бу балои азим ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда бир талай янгиликларни юзага келтирар, бироқ инсоннинг табиатига тубдан таъсир кўрсатуви мушкулдир-ов. Бу каби вазиятларда яхши янада яхшилашади, ёмон эса баттарлашади десангиз, бу фикрни ўйлаб кўрса бўлар.

Каминанинг шахсий хулосам: ҳар қандай назорату чекловлар ўз йўлига, Худойим бандасининг кўнглига мўралаб, унга инсоф ато этмаса, бари бекор!

**– Бугун дунё қоришиб кетди. Маданиятлар, қадриятлар, урф-одатлар, борингки, Ғарбу Шарқ кўз ўнгимизда аралашиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Турфа дунёқарашлар, мафкуралар, “изм”лар жамиятда ёнма-ён яшаяпти. Катта авлод ёшларнинг “тарбиясиз”лигидан нолиса, ёшлар улуғларнинг эски қолиплар, “доҳий”ларга сажда қилиш иллатидан қутулолмаганидан ёзғиради. Миллий ғоя, мустақиллик мафкураси, деймиз. Биз келгусида қай йўлдан боришимиз керак? Ёшларга кимни, нималарни ибрат-намуна қилиб кўрсатмоғимиз лозим? Ёзувчи – “инсон руҳининг муҳандиси” сифатида Сизнинг бу борадаги мулоҳазаларингиз ўқувчиларимиз учун қизиқарли деб ўйлаймиз...**

– Келгусида қайси йўлдан боришимизни билганимда, биродар, бундай қоғоз-қалам қилиб ўтирмасдим, бирор каттароқ амалнинг бошини тутиб майдонга чиқардим... Ҳазилиям шу, чиниям шу.

Менга ўхшаган камтарин бир қаламкашнинг фикри эса – оддий инсоний йўлдан бориш, вассалом!

Камина бугунги ёшларни “телефончи авлод” деб атайман. Изоҳга ҳожат йўқдир? Тўғри-да, уларнинг дўсти ҳам, душмани ҳам, кечирасиз-у, ота-онаси ҳам шу матоҳ – қўлидаги телефонча бўлиб қолган. Бунинг нима оқибатларга олиб боришини билгич олимлардан сўрайсиз. Мен айтаманки, ҳозирги ёшлар, дейлик, бизнинг авлоддан яхши ҳам эмас, ёмон ҳам эмас. Уларнинг яхши бўлмоғини хоҳласак, биз – катталар ўзимизнинг у ёқ-бу ёғимизга қараб олмоғимиз даркор. Таассуфларки, уларда бизга нисбатан, келажакка нисбатан ишонч камайгандек, назаримда. Қўлимиздан келса, шуни тикламоғимиз, уларга намуна, ибрат бўлмоғимиз керак. Бунинг учун эса камроқ ёлғон гапирайлик, камроқ мунофиқлик қилайлик, риёдан, ришватдан ҳазар этайлик, сабр-қаноатли бўлайлик... Қуруқ насиҳатлар бекор!

Ўзимдан сўрасангиз, шу “ёмон” ёшларга ҳавас қилмоқдан ўзга чорам қолмаган.

**– Бизнинг авлод сиз тенгқур адибларнинг асарларини ўқиб улғайди. Ҳар бир ҳикоя, ҳар бир қиссангиз қачон ёзилганию дастлаб қаерда эълон қилинганигача биламиз. Талабалик йилларимиз, “Отойининг туғилган йили” қиссангиз “Гулистон”да пешма-пеш чоп этилганида курсдошлар билан журналнинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутиб, қўлма-қўл қилиб ўқиганмиз. Бу гапни Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст ёки элимизнинг бошқа таниқли адибу шоирлари ижодига нисбатан ҳам бемалол айта оламан. Бироқ бугун ҳукуматимиз китобхонликни қанча тарғиб-ташвиқ қилаётган, рағбатлантираётган бўлмасин, ўша даврдаги қайноқ иштиёқни кўрмаяпман.**

**Ҳозирги миллий адабиёт, хусусан, насримизда кечаётган ижодий жараёнларни қандай баҳолайсиз? Ўзингиз тенгқур адиблар ижоди билан таққослаганда қандай фарқ, тафовутни кўрасиз? Кўнглингиз тўладими? Қай жиҳатларидан ранжийсиз?**

– Сиз айтган даврларда адабиёт билан санъатдан бошқа овунчоқ кам эди. Ҳар алвон тақиқу чекловлар бисёр бўлганига қарамай, “икки тошнинг орасида” ҳам ажаб гулу чечаклар битар, бўй чўзар эди. Бугун энди бозор, эркинлик, кечаги зуғуму тақиқлар йўқ; бозор, биласиз, алдам-қалдамсиз, ғирромликларсиз бўлмайди. Китоб дўконларига кириб эса бошингиз айланиб кетади: вой-бў, шунча ёзувчимиз борми, шунча асар ёзиб ташлашдими?! Китоб чиқармаган одам қолдимикан ўзи юртда? Агар шулар бари ёзувчи аталса, шулар бари адабиёт саналса, унда бизга ўхшаганлар лайлак ҳайдаб юрган эканмиз-да! Тўғри, ажаб-ажаб истеъдодлар пайдо бўлди, ажаб-ажаб янгича изланишлар кўзга ташланаётир, катта-катта китоблар дунёга келаётирки, камина уларни таърифлаб чарчамайман. Айниқса, кейинги вақтларда ўқиганим Иқбол Мирзонинг “Бону” ҳамда Олим Тошбоевнинг “Ултонтоз” романларини мавзу ва талқин жиҳатларидан алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Лекин нима десангиз денг, на ҳали сиз тилга олган Тоғай Мурод, на Мурод Муҳаммад Дўст, на Хайриддин Султону Шароф Бошбековнинг “панжасига панжа урадигани” етишиб чиққанини шахсан мен билмайман. Сиз билсангиз – айтинг... Чинакам табиий дард йўқ, воқеликка янгича ёндашув, янги оҳанг, янги услуб сезилмайди, аксари тўмтоқ таржимани эслатади, кўпсўзлик, пала-партишлик... Кўнгил қандай тўлсин булардан?!

**– Тўғри айтдингиз, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари адабиётга ҳам ўз ҳукмини ўтказмоқда. Китоб дўконларига кирсангиз, яхшисидан кўра ёмони, аниқроғи, бозор талабига кўра ёзилган қораламалар кўпроқ учрайди. Бу кетишда адабиётнинг келажаги, ёзувчиларнинг тақдири қандай бўлади деб ўйлайсиз? Уларнинг тирикчилиги, турмуши борасида нима дейсиз?**

– Бу саволга жавобни ҳозиргина эшитдингиз. Келажак ўзингиз айтган бозор шартларига боғлиқ бўлади. Бадгумону нигилист демасангиз, айтай: бу ёғига Толстой ва Чехов, Қодирий ва Қаҳҳорлар адабиётини кутиб хомтама бўлманг! Азалий моҳиятини сақлаган ҳолда жаҳон адабиёти бугун янги Сўз, янги шакл излаш билан овора. У қандай Сўз бўлади, қандай шакл? Билмайман, айтолмайман. Билганимда ёзиб кўрсатардим, аттанг...

Ёзувчи мардум бугун ҳув бир замонлардагидек китоб ёзиб тирикчилик қилолмайди. Сабабини биласиз: уч-тўрт йиллик умрини, истеъдодини сарфлаб асар ёзади. Энди уни китоб қилиб чиқариш учун маблағ, ҳомий даркор. Бир амаллаб муддаосига етгач эса, нашриёт унинг қўлига эллик-олтмиш дона китоб тутқазади, у бориб ёр-дўстига улашади. Шу, холос. Ғирт анойи бир девонанинг иши эмасми бу, айтинг?

“Девона”миз бугун тайин бир юмушнинг бошини тутмаса, кўчада қолмоғи муқаррар.

**– Эркин ака, мен сизни узоқ йиллардан буён биламан. Доимий суҳбатдош бўлмасам-да, орқаворатдан, сизни билганлардан эшитиб юраман. Эл назаридаги одамсиз. Депутат бўлдингиз, амалларга миндингиз, ҳозир ҳам амалдорсиз. Ўтган ярим аср давомида қанча сувлар оқиб кетди, дунё неча бор ўзгарди, турланди, тусланди. Аммо Эркин Аъзам ўзгармади! Бир оз ўжар, тўғрисўз, хушомад ва замонасозликдан йироқ нозикфеъл қаламкаш бўлиб қолаверди. Энди улуғ ёшга кирган, ҳаётда яхши-ёмонни, паст-баландни кўрган инсон сифатида айтинг-чи, бундай яшаш қийин эмасми?**

– Кўриб турибсиз – бормиз, юрибмиз, шукр. Бўлар экан. Билган-ку билар, аммо шундан ҳам норози, қийиқ қидирадиганлар топилади. Начора, сут ўрнига сув эмганлар деймиз-да уларни...

Амал дегандек бўлдингизми? Бир-икки муддат депутат аталганимиз рост, лекин... Бош муҳаррирлик катта амал деб ўйларкансиз-да, а? Билсангиз, у қўлни чўнтакдан олмай, оғиз билан иш бажарадиган мансаб эмас – вазифа, одатдаги қора иш десаям бўлади. Буни мансаб атаб каминани ишонтиролмайсиз – ҳарқалай, бу борада тажрибамиз етарли. Баайни қасам билан “бошини зўр ишга бериб қўйиб”, ҳар ён чопиб юрадиган бир ҳалаки жон-ку! Бунда қўлни белга тираб, ақл ўргатиш билан иш чиқмайди. Ўхшатиш жоиз бўлса, у майдонга тушиб ҳамма қатори тер тўкадиган тренердек гап. Яқин-яқингача бир журнал, бир хил матнни гоҳо уч-тўрт бор қайта ўқимоққа тўғри келарди. Хайрият, эндиликда яхши ёрдамчи ҳамкорлар қаватимизга кириб қолган, барака топишсин.

**– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 23 ноябрдаги фармойишига биноан маърифатпарвар аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги, Ўзбекистон халқ артистлари Олим Хўжаев ва Сойиб Хўжаев таваллудининг 110 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Асқад Мухтор ҳамда атоқли олимлар Саъди Сирожиддинов ва Иброҳим Ҳамробоев таваллудининг 100 йиллиги, Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов таваллудининг 90 йиллиги, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев таваллудининг 80 йиллиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Шавкат Раҳмон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим таваллудининг 70 йиллиги мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланадиган бўлди.**

**Аввало, Сизни қутлуғ юбилейингиз билан муборакбод этамиз. Илоё, умрингиз узоқ бўлсин! Суҳбатимиз сўнггида ушбу анъанавий саволга ҳам жавоб берсангиз: ҳозир нима ишлар билан бандсиз? Янги йилда халқимизга, ўқувчиларингизга қандай тилаклар билдирасиз?**

– Дуо ва тилакларингиз учун қуллуқ!

Қатъий ваъда йўғ-у, шу кунларда бир ният хаёлда юрибди. Номини айтсам – “Уйда ўтирганлар”. Жанри – пьеса, аниқроғи, мунгли ҳангома. Нима ҳақда бўлади у? Бошдаги жавобимда айтдим-ов.

Янги йилга тилагим... Тезроқ манови балони бошимиздан кўтарсин! У ёғи ўзимизга боғлиқ – некбин, собир халқмиз.

Энди сизга ҳам бир савол: камина билан суҳбат қуриб пушаймон қилмадингизми?

**– Аксинча. Катта раҳмат. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва ҳамиша яхши кайфият тилайман.**

**Абдужалол ТАЙПАТОВ**
**суҳбатлашди**

## УМР ИБРАТИ

# УСТОЗЛАР ДАВРАСИНИ КЎРГАН



Адабиётшунос, мунаққид Абдулла Улуғов олтмишга тўлди. У адабий жараёнда бажариши мумкин бўлган ишларни сидқидилдан адо этиб келаётир. Олим уч юздан ортиқ адабий-танқидий мақола, “Қиссачилигимиз қирралари”, “Инсон ибратга интилади”, “Асл асарлар сеҳри”, “Ватан – жон ва тан”, “Қалб қандили”, “Дурдона ёхуд таг маъно тўла “Даҳшат” сингари китоблар, “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабиётшунослик назарияси” каби ўқув қўлланма ва дарсликлар муаллифи. Бу китоблар бугун мамлакатимизда таълим олаётган филолог талабаларнинг қўлларида. Адабий-илмий мақолаларида у замонавий адабий жараёнга баҳо беради, яқин ўтган давр ўзбек адабиёти сиймоларининг дурдона асарларини таҳлил қилади, мунаққид ва адабиётшунослар ижодини текширади.

А.Улуғов “Асл асарлар сеҳри” китобида Абдулла Қодирий романларини, Абдулла Қаҳҳор ҳикояларини, Абдулла Орипов шеъриятини чуқур таҳлил қилган. “Дурдона ёхуд таг маъно тўла “Даҳшат” номли китобнинг ўзи олимнинг бадиий асарни таҳлил қилиш маҳоратидан далолатдир. Бу монография фақат “Даҳшат” ҳикояси тўғрисида эмас, балки муаллиф шу асар баҳонасида инсонга, бадиий сўз қадрига, образга, поэтик нутққа, бадиий маҳоратга, ҳикоянинг матн ости қатламига, умуман, бадиий адабиёт ва ижодкорга бўлган қарашларини баён қилади.

Мунаққид улуғлардан сабоқ олади, устоз-муаллим сифатида ёшларга сабоқ беради. Аллома адиблар ижодини эъзозлайди, мумтоз ўзбек адабиёти, қардош халқлар сўз санъати, жаҳон адабиёти намояндалари ва адабиётшунослари ижодига мурожаат қилади. Шунинг учун Алишер Навоий ва Бобур ҳикматларидан, Жалолиддин Румий, Шекспир, Р.Тагор, Ч.Айтматов, Л.Толстой фикрларидан ўз асарларида унумли фойдаланади. Салмоқли “Бахтиннинг бахти ва...” номли адабий-танқидий очерки таниқли рус адабиётшуноси М.М.Бахтиннинг машаққатли ҳаёти ва гениал ижоди, асарларининг мазмун-моҳияти тўғрисида етарлича тасаввур беради. А.Улуғов рус олими ўз тадқиқотларида филология фанига бир қатор янги атамалар олиб кирганини таъкидлаб, ўзи илгари сураётган тезисни М.Бахтиннинг Ф.М.Достоевский, Ф.Раблега бағишланган фундаментал китобларини таҳлил орқали асослайди.

А.Улуғов ўз мақолаларида бугунги адабиётга баҳо бераркан, асарларни беозор танқид қилади. Бу ҳам мунаққиднинг ўзига хос таҳлил усули, муносабат тамойили, қолаверса, инсоний фазилатлари сирасига киради. Шоир Икром Отамурод тўғрисидаги бир мақоласи “Муҳими — кўнгил” деб номланган. Кўнгил – сирли дунё, кўнгилни англаш мушкул, аммо муҳим. А.Улуғов ҳар бир бадиий асар ортида кўнгил одами, сўз санъатига ошуфта бир қалб эгаси турганини ҳис этади, аяйди, унинг кўнглига, ёзган сўзига қараб фикр айтади, ўзига тенгдош ижодкорлар асарларига меҳр-муҳаббат билан ёндашади. “Юрак ёғдусига йўғрилган”, “Шеърсевар эл шоири”, “Ҳур гулсан, ҳаёт”, “Қалб чилтори” каби мақолалари тенгқурлари — Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Азиз Саид, Ҳалима Аҳмедова каби шоирлар ижоди тўғрисида.

Дарвоқе, А.Улуғов ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетида ўқиди, аспирантурада таълим олди, профессор Норбой Худойберганов раҳбарлигида замонавий ўзбек қиссачилиги тўғрисида номзодлик ишини ёқлади, доцент илмий даражасига эга. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида талабаларга бадиий ижод қонуниятларидан, адабиётшуносликка кириш, қардош халқлар адабиёти тарихи фанларидан сабоқ беради.

Абдулла Улуғов дарс жараёнида бадиий асарларни ҳаёт ҳодисаларига, образларни турмушда учраган турли тоифа вакилларига қиёслаб тушунтиради. Зеро, унинг ўзи ёзганидек, “Таққослаш – одамзот ақли эришган энг тўғри адолат мезони саналади”. Талабалар берган саволларга у батафсил жавоб беради, тўлиқмайди, сукут сақламайди. Назаримда, университет талабалари Абдулла акадан нафақат адабиёт сабоғини, балки инсонийлик ибратларини, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, ҳалоллик, камтарлик, тўғрилик каби фазилатларни ҳам ўрганишади. Зеро, адабиёт тўғрисида мулоҳаза юритаётган инсоннинг табиати ҳам покиза-ораста бўлмоғи лозим. Ўқиб уқмаганлик ёмон. Ўқиш бошқа – уқиш бошқа. Адабиёт инсоннинг руҳиятига тоза ҳаволар олиб киради. Бу каби фикрлар А.Улуғовнинг ҳаётий тамойиллари, адабий талқинлари асосини ташкил этади.

Сўз одамни саодатли қилади. Сўз заҳматкаши ўларoқ А.Улуғов сўзнинг “гавҳари шариф”, “ўликка жон ато этувчи малҳам” эканини яхши билади. Шу туфайли ҳам мақола ва китоблари учун танланган номларга — сўзларнинг таниқлигига, жаранглаб туришига диққат қаратади: “Қалб қандили”, “Инсон ибратга интилади”, “Бахтиннинг бахти ва...”, “Тилдан дилга”, “Муҳими — кўнгил”. Бунда ҳам бир ҳикмат ва ибрат бор, албатта.

Абдулла Улуғов устозлар даврасини кўрган, XX аср ўзбек адабиётининг дарғалари Иззат Султонов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов каби атоқли олимларнинг сабоғини олган олим. Ҳаётийлик, одамийлик, илмийлик мезонлари ҳам шу рутбага мос. Зотан, зиёли инсон учун булар ҳам жуда муҳим фазилат, албатта.

**Баҳодир КАРИМ,**
**профессор**

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ

# БАҲОДИРЛИК ДОСТОНЛАРИ

*Бундан 2800 – 3000 йиллар муқаддам Европа тупроғидаги мамлакатлардан бири — Юнонистонда ёзма бадиий ижоднинг илк намуналари юзага кела бошлади. Кейинчалик юксак камолот босқичига кўтарилган бу адабиёт эрамиздан аввалги III асрда Рим маданиятининг барпо этилишида, таркиб топишида ҳам катта ўрнак бўлди. Ер юзида ана шу икки қадимий халқ яратган маданият, санъат ва адабиёт антик маданият, антик адабиёт деб аталади. Лотин тилидаги “антик” (antiqus) сўзининг маъноси “қадимги” демакдир. Аммо бу атаманинг юнон, рим адабиётларигагина татбиқ этиш унчалик тўғри эмас, чунки маданиятнинг асл бешиги Шарқ мамлакатлари бўлган.*

Юнон ёзма адабиётининг бизгача етиб келган энг қадимги намуналари “Илиада” ва “Одиссея” достонларидир. Мазкур асарларни ўқир эканмиз, асар муаллифи Ҳомернинг қанчалар буюк сўз устаси бўлганлигига гувоҳ бўламиз. Барча халқларнинг тарихида бўлгани каби, юнон адабиёти ҳам муқаррар халқ оғзаки ижоди заминида майдонга келган. Тарих саҳифаларида юнон фольклоридан жуда кам намуналар сақланиб қолган бўлса-да, шуларга асосан ибтидоий қабилачилик даврларида юнон халқининг анчагина бой оғзаки адабиёти – эртаклари, мақоллар, маталлар, топишмоқлар, қўшиқлари бўлганлигини аниқлаш мумкин. Юнон мифологиясида тасвирланган маъбудларни одам қиёфасида тасаввур этиш ўз навбатида мифологияни ҳақиқий ҳаётга яқинлаштирди ва унинг образларига чинакам ҳаётийлик бағишлади. Юнон адабиётидаги образларнинг нафислиги, бутун инсоният тарихи давомида китобхоннинг диққатини ўзига жалб этиб келди. Юнон адабиёти, юнон санъатига эса беҳисоб порлоқ мавзулар олиб келди.

Ҳомернинг “Илиада” ва “Одиссея” достонлари мавзуси Троя афсоналаридан, яъни юнонларнинг трояликлар билан уруши ривоятларидан олинган. Олимларнинг таъкидлашича, юнонларнинг трояликлар устига бостириб келиши тарихий ҳақиқат бўлиб, бу эрамиздан аввалги XIII – XII аср олдин юз бергандир. Ривоятларда ҳикоя қилинишича, Троя шаҳзодаси Парис Спарта подшоҳи Менелайнинг уйига меҳмон бўлиб келади. Менелай Парисни иззат-икром билан қарши олиб, унинг шарафига ҳашаматли зиёфат беради, базм уюштиради. Шу базмларининг бирида Парис мезбоннинг рафиқаси Еленани учратиб, унинг ҳусни-жамолига мафтун бўлиб қолади. Париснинг шарқона либослари Еленани ҳам шайдо этади. Кунларнинг бирида Менелай узоқ сафарда эканлигидан фойдаланган Парис Еленани йўлдан уриб, уни ўз юртига олиб қочади. Сафардан қайтиб келган Менелай меҳмоннинг кўрнамаклигидан дарғазаб бўлиб, изтироб қийноғида азоб чекади ва рақибидан ўч олишга аҳд қилади, бир қанча кемаларда Троя устига бостириб боради. Юнон аскарлари орасида замонасининг буюк баҳодирларидан бири Ахилл ҳам бор эди. Ўн йил давомида юнон лашкари Троя шаҳрини қамалда тутади. Ниҳоят, айёрлик йўли билан унинг ичига кириб ёндириб юборади, бутун шаҳар аҳолисини қиличдан ўтказиб, шаҳарнинг жамики бойликларини талаб, Еленани олиб ўз ватанига қайтади. Бироқ ватанига қайтишда уларнинг бошига анчагина кулфатлар тушади: уларнинг баъзилари оғир йўл машаққатларига дош бера олмай ҳалок бўлади, баъзилари ортга эсон-омон қайтиб келганида хоинона ўлдирилади.

Троя уруши ҳақидаги ривоятларда, гарчи уларда бўлиб ўтган тарихий воқеаларни акс этса-да, бу воқеалар реал тасвирларда эмас, балки мифологик образларга ўралган ҳолда берилади. Троя урушида ва бу уруш билан алоқадор ҳодисаларда одам болалари билан бир қаторда Олимп тоғининг маъбудлари, паризодалар, девлар ва бошқа ғайритабиий кучлар ҳам баб-баравар қатнашади. Шунингдек, Ҳомернинг иккинчи машҳур достони “Одиссея” асари ҳам “Илиада” достонининг мантиқий давоми бўлиб, унда Итака шаҳрининг подшоҳи Одиссей ва унинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ўн йиллик Троя уруши тугагач Одиссей ва унинг ҳамроҳлари ўз юртларига қайтмоқчи бўлганида денгиз маъбуди Посейдон унинг йўлида даҳшатли тўлқинлар кўтариб, паҳлавоннинг бошига кўплаб мусибатларни солади. Унинг барча ҳамроҳлари денгизда ҳалок бўлади. Фақат Одиссейгина тирик қолади. Бу орада Одиссейнинг Итака оролида қолган рафиқаси Пенилопанинг бошидан ниҳоятда оғир кунлар кечади. Итака зодагонларидан бир нечтаси Одиссей сафардан қайтавермагач, уни ўлдига чиқариб, Пенилопани улардан бирига турмушга чиқишга мажбурлайдилар. Лекин вафодор Пенилопа бу таклифларни рад этади. Бу орада бошидан кўпдан-кўп ажойиботларни ўтказган Одиссей гўзаллик ва донолик маъбуди бўлган Афина ёрдамида Итакага кириб келади. Итаканинг золим амалдорларидан ўч олади ва яна подшоҳлик қила бошлайди. Юқорида кўрилган ҳар иккала достон халқ оғзаки адабиёти асосида яратилган баҳодирлик ҳақида ҳикоя қилувчи асарларнинг мумтоз намунасидир. Бироқ Гомернинг ҳар иккала достонининг бадиий даражаси, сюжет қурилиши халқ оғзаки ижодининг ўзига хос соддалик даражасидан анча устун туради.

Аввало, мазкур иккала поэманинг мазмуни ёлғиз битта қаҳрамон атрофида эмас, балки яхлит бир воқеа атрофида айланади. Чунончи, муаллифнинг “Илиада” достонининг асосий мазмуни асар қаҳрамони Ахиллнинг ғазабига қаратилган бўлиб, қолган барча воқеа-ҳодисалар ана шу машъум ғазаб билан боғлиқ ҳолда тасвирланади. Шу билан бирга ўн йиллик воқеалар 50 кун ичига сиғдирилган. Тингловчи ва китобхондаги таассуротнинг тўла бўлиши учун асар давомида муаллиф йўл-йўлакай чекинишлар ясаб, турли-туман ҳодисалар билан асосий воқеани тўлдириб боради. Худди шундай уйғунлик “Одиссея” достонида ҳам яққол кўзга ташланади. Одиссейнинг ўз ватанига қайтиши ва сафар мобайнида бошидан кечирган мушкулотлар, учраган ажойибот ва ғаройиботлар асарнинг асосий мазмунидир.

Ҳомер усули, аввало, реалистик усулдир. Ҳар иккала достонда қадимги замон юнон турмуши ёрқин ҳаётий лавҳаларда тасвир этилган. Баъзи ҳодисаларни шоир шу қадар усталик билан тасвирлаганки, бу тасвирлар ҳаётнинг икир-чикирларини ҳам назардан қочирмаган рассомнинг асари сингари кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Биз Ҳомер асарларини ўқир эканмиз, улар билан бошқа халқларнинг бир қанча эпик асарлари, чунончи, ҳиндларнинг “Рамаяна” ва “Маҳобҳорат”, французларнинг “Роланд ҳақида қўшиқ”, немисларнинг “Нибелунгнома”, шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижодининг юксак намунаси “Алпомиш” достонлари ўртасида ўзига хос ўхшашликни кўрамиз. Бу ўхшашликлар турли халқларнинг жангномаларида мазмун яқинлигида, қаҳрамонларнинг тавсифида яққол сезилади. Эпик асарларга хос умумий муштараклик тасодифий ҳодиса эмас, балки барча халқларнинг қаҳрамонлик достонларида ўз ифодасини топган ижтимоий ҳаёт шароитларининг бир мунча яқинлигидадир.

**Эшпўлат ЖУМАНОВ**

## АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШРЛАР




### “ЖАҲОН АДАБИЁТИ”
**2020 йил октябрь сони**

Француз ва жаҳон адабиётларининг мумтоз намояндаси, декаденс ва символизм эстетикасининг асосчиси, бутун Европа поэзиясига кучли таъсир ўтказган Шарль Бодлернинг машҳур “Ёвузлик гуллари” шеърлар туркуми 1857 йили чоп этилган. Журналнинг ушбу сонида мазкур туркумдан икки асар шоир ва адабиётшунос Абдувоҳид Ҳайитнинг француз тилидан қилинган таржимасида берилган. Ҳар иккала асарга таржимон томонидан ёзилган шарҳ ўқувчининг Бодлер шеърияти оламига кириб боришида жуда яхши кўмак беради.

Туркман ва ўзбек халқларининг севимли шоири Махтумқули вояга етган адабий ва ижтимоий муҳит, унинг шахс сифатида шаклланиши, ижод йўли — булар барчасининг туб манбалари филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримовнинг “Махтумқулининг отаси” мақоласида ёритилган. Шунингдек, мумтоз шоирнинг отаси — Давлатмамат Озодийнинг “Беҳиштнома” асарининг аслиятидан таржимаси ҳам Б.Каримов таржимасида тақдим этилган.

Олмон адиби Ҳерман Ҳессенинг “Бир иш туни” эссеси (рус тилидан Ҳумоюн таржимаси) машҳур адиб ижодий лабораториясига бир нигоҳ ташлашга имкон беради. “Адабиётшунослик” рукнида Қайсин Қулиевнинг “Зулфия ва унинг шеърияти” (А.Мўмин таржимаси), Д.Очилованинг “Инглиз адабиётида шарқона мавзулар талқини” ёритилган. Д.Ражабнинг “Нобель Луизага насиб этди” мақоласи бу йил Нобель мукофотига сазовор бўлган америкалик шоира Луиза Глюкк ҳақида.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида И.Шоунинг “Тиланчи ва ўғри”, Э.М.Ремаркнинг “Қарзга олинган умр” романларининг давомини ўқийсиз.

ЭССЕ

Абдусаид КЎЧИМОВ

# ЎЗАНИГА СИҒМАГАН ДАРЁ

1

Ўзанига сиғмай, пишқириб оқаётган дарё.

Баланд тоғларни кунпаякун қилмоқчидек ҳайқириб қирғоққа урилаётган асов тўлқинлар.

Ғайрати вужудидан тошиб кетаётган — "ичида деви бор" одам. Ва Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон)...

Мамадали Маҳмудовга бу дунё торлик қилди — шу дунёда яшаб, шу дунёга сиғмади. Гоҳ чақмоқ, гоҳ чашма; гоҳ бургут, гоҳ булбул сингари бирда шиддаткор, бирда заковатли, бирда шикаста. Ўзи истаганча, ўзи хоҳлаганча эркин, ўктам, қисинмай кун кечирди, ўзи ёққан оловга қоврилиб яшаган пайтлари кўп бўлди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаги талотўпларни кўрганлар яхши билади: "Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилсин!" деган шиорларни озод кўтариб, кўчага сиғмай бораётганларнинг олдинги қаторида, Оролни асраш, Бўстонлиқда зарарли завод қурилишига қарши кураш, армиядан келаётган темир тобутларга барҳам бериш, турли-туман партиялару халқ ҳаракатлари тузиш истагида гоҳ очиқ, гоҳ ёпиқ ўтаётган машварат минбарию катта саройларда адабиёт муаммоларига бағишланган қайноқ баҳс-тортишувлар, қўйингки, эл-юрт ташвиши, тақдирига мансуб воқеаларнинг ҳаммасида ҳозиру нозир — байроқдор эди Мамадали Маҳмудов. Кўнглига ёққан ишни қилар, дўст ҳимояси учун ёқалашиб, муштлашишдан ҳам қайтмасди. Филдай меҳнаткаш, аммо баъзида пала-партиш қадамлари, ҳаракат-қилиқларини бир жойга жамлаб таҳлил қилмаслиги, ҳатто ўзига ғаним мақомидагилар билан ҳам ош-қатиқ бўлиб кетаверишлари, ўйлаб ўтирмасдан ўзини ўтга-чўққа ураверишлари... ажаблантирарди яқинларини. Бир гал, ярим тунда, лойга буланиб ғишт қуяётганини кўриб, рости, ҳайрон қолгандим. Маяковский деган кўча бўларди эски "Ҳайвонот боғи"нинг ёнбошида. Боққа туташ уч қаватли Николайдан қолган бинода жойлашган эди Маданият жамғармаси деган идора. Унга яқин эди мен яшайдиган "дом". Кечқурун, шаҳар ухлаганда йирик чироқлар чарақлаб, Жамғарма ҳовлисида ҳаракатлар кўпайиб қолган тунларнинг бирида, қандайдир ички қизиқиш билан секин ўтиб бордим. Ҳовли гавжум, ўртада қирдай лой уюми, атрофида бир тўда ёш-яланг: бирови лойни сомонга булаб қолипларга ураяпти, бирови қолипларни кўтарволиб югургилаганча тўкиб келяпти, яна бир-иккитаси лой қоряпти чуқурда; четроқда темир ўчоқ, қозонда шўрва, тўйсамоварда чой қайнаб турибди — илгарилари қишлоқларда бўларди бундай ҳашарлар. Ярим-яланғоч, иштонбалоғи тиззадан шимарилган, оёқяланг, юз-кўзларига лой увоқлари ёпишган Мамадали акаям йигитлардек чаққонлик билан лой тўла икки кўзли қолипни даст кўтариб, ғишт қуймоқда. Ўзбекистон Маданият жамғармаси дейилмиш идора раҳбари — бош директори эди ўшанда у. Ҳаммани, ҳатто давлатниям эсидан чиқиб кетган Жамғарма нуфузини ана-мана дегунча вазирлик даражасига олиб чиққан эди Мамадали ака. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаганида эса Бўстонлиқдан юзга яқин ёзувчига дала ҳовли берилишида бош-қош бўлди. Эл қорига ярашдан завқланарди, баҳра оларди. Беминнат, бетаъма, беғараз; камтарга камтар, манманга манман — бировга эгилмас, ялинмас, қуллуқ-хушомад қилмасди. Ҳеч қайси куч, ҳеч қайси тўсиқ, ҳатто ўн саккиз йиллик қамоқ азоблари ҳам ундаги ана шу жангари руҳни сўндиролмади. "Ўлмас қоялар" романига туҳмат тошлари отилган ва "шовинист" тамғаси босилган оғир кунлар ҳам заррача буколмади иродасини. Жисмидаги бежилов шиддат ижодига кўчди. Ушоқ ҳикояларидан то қиссаю романларигача — ёзганларининг ҳаммасида ўжар ва қайсар туйғулари, орзу-армонлари аксланди. Ижодидаги бирда мунгли, бирда сирли оҳанглар, бошқа бирон-бир ёзувчиникига ўхшамайдиган шоирона тасвирлар, дабдурустдан юракларни сирқиратиб юборгувчи тимсоллар, ҳаққоний манзаралар, дардчил тафаккур силсилалари минг-минглаб ўқувчиларни мафтун қилди; неча миллёнларни сеҳрлайди ҳали. Ватанга, Миллатга бўлган беадоқ севги, метин садоқат – адибга куч берган қудратли тўлқинлар эди. Ўзбек учун жон беришга тайёр чин миллатсевар, ватансевар шахс эди Мамадали Маҳмудов. У ҳали шўро шамшири кўз олдимизда қонсираб турган кунларда босмачилик ҳаракатини оқлаб чиқди. Бу ҳаракат лашкарлари босмачи эмас, аксинча, ёвуз ғаним найзасига кўкрагини қалқон қилган эрк ва озодлик, ҳуррият ва ҳурният курашчилар — ҳақиқий ватанпарварлар эканини юксак бадиий образларда қўрқмай, мумтоз жасорат билан тасвирлади.

Босқинчи босиб олган ерлардаги аҳолини ҳамиша қулликда, тобеликда ушлаб туради, мўминлик кишанида яшашга мажбурлайди. Биргина 1916 йилги Жиззах қўзғалонининг бостирилишини эсланг. Жиззах қонга беланди. Ўз ваҳшийликларини кўриб босқинчиларнинг ўзлари ҳам титроққа тушди. "Мен Кавказ, Қирим қўзғалонларининг бостирилишига гувоҳман, — дейди Оқпошшонинг Покровский деган зобити. — Аммо Жиззахдагидек тўкилган қонни ҳеч қаерда кўрганим йўқ". М.Маҳмудов "Ўлмас қоялар" романида айнан шу мавзуни — Чор Россияси Туркистонни миллионлар қони эвазига босиб олганини алам билан қаламга олди.

2

«Ўлмас қоялар...»

Не-не туҳматларга дучор бўлган "шўрпешона" роман. Аслида Чор Россияси босқинчилари ваҳшийликларининг мингдан бир бўлаги акс этган асар.

Асар 1981 йили "Шарқ юлдузи" журналида босилди. Босилиб чиқиши ҳамоно бошланди "тошбўрон"лар. Аввало, журналнинг ўша сони яшин тезлигида йиғиштириб олинди, худди шундай тезкорликда муаллиф ишдан ҳайдалди. Энг ҳайратлиси, романни ўқиш тақиқланган, демакки, рус тилига таржима бўлиш у ёқда турсин, ҳали ўзбекларнинг ўзи ҳам ўқиб улгурмаган бир пайтда Москвага, сека кпсс деган идорага бир қулоч шикоят боради. Шўро ҳукумати мафкурасининг қўрбошичилари уни зудлик билан Тошкентга, Ўзбекистон компартиясига йўллайди: "Кўзинг қаёқда, қаёққа қараяпсан? Ахир, совет ҳукуматини, сиёсатини қоралаб ёзилган асар-ку бу?!" деган таҳдид билан.

Ёш адибни тепиб жарга ағдариб юбориш учун ҳамма мунофиқликлар жой-жойига қўйилган эди шикоятда. Асардаги салбий қаҳрамонларнинг сўзлари атайин териб олиниб бўрттирилган, ижобий қаҳрамонлар хаспўшланган, тирноқ остидан кир қидирилиб, ёзувчига сиёсий айб қўйилган ва тап-па-тайёр жиноятларга айлантирилган эди. Агар масалага Ўзбекистон компартиясининг биринчи котиби Шароф Рашидов аралашмаганида ўзимиздан чиққан сотқинлар кўмаги билан ёш адиб қамоққа ташланиши ёки қатағон йилларидаги сингари Сибир томонларга сургун қилиниши муқаррар эди. Шароф Рашидович, ёш ижодкор адашган бўлса, ўзимиз тарбиялаймиз, тузатамиз, тўғри йўл кўрсатамиз, деган кафолатни зиммасига олиб, уни Москвадаги Серафимович номли ижод уйига юборади, романдаги "хатоларни тузатиб" келинг, деб... Қозоғистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Динмуҳаммад Кунаев "Аз и Я" асари учун "қурбонлик"ка аталган Ўлжас Сулаймонни, Шароф Рашидов эса Мамадали Маҳмудовни зўравонлар чангалидан асраб қолади. Мамадали Маҳмудов Серафимовичга бориб, асардаги "сиёсий хато"ларни тузатмади, аксинча, янаям кучайтирди, қалбидаги беҳисоб ғазаб ва нафратни роман қаҳрамонлари жисмига янаям чуқурроқ сингдириб юборди...

Босқинчи — Ер юзининг ҳамма жойида босқинчи.

Бошқа халқни асоратга солувчилардан нафратланмайдиган одам йўқ. Аммо Мамадали Маҳмудовдаги ғазаб, теккан жойини куйдириб кулга, вайронага айлантиргувчи нафрат не боис бунчалар кучли, қаердан пайдо бўлган? Мен унинг кўксидаги Боғдон тоғларидек ҳайбатли, ўчкор аламни кейинроқ — таржимаи ҳоли билан яқиндан таниша бошлагандан кейин фаҳмлагандай бўлдим.

М.Маҳмудов 1943 йилнинг 12 декабрида Форишнинг Боғдон қишлоғида дунёга келди. Туғилганида ҳам, ундан кейин ҳам отасини кўриш насиб этмайди болага. Тоғ беги бўлган отаси у бешикдалигида урушга кетганча, қайтмайди — жангда ҳалок бўлади. Бобоси Аҳмад Оқсоқолни босқинчилар анча йиллар аввал Нарвон қишлоғида дорга осишган эди. "Бунинг тафсилоти қуйидагича, — деб эслайди адиб. — Ёв Боғдонни босганда, қўлга тушган эрларни қиличдан ўтказади, хотин-қизларни зўрлайди, бўғоз аёлларнинг қоринларини ёради...

Шунда Аҳмад Оқсоқол Отучган қоя қописида пистирма ҳозирлайди ва ҳийла билан ёғийни қоронғи дарага тортади ва кутилмаганда ғанимга милтиқ, ёй, сопқонлардан ўқлар ёғдиради, ҳайбатли тошларни юмалатади. Ёв от-поти билан мажақланади".

Душман бундай ҳолни кечирмайди, албатта. Аҳмад Оқсоқол ушланиб, дорга тортилади. Бобо фожеаси ҳамда онасининг такрор-такрор: "Бобонг Аҳмад Оқсоқол ушбу гапни кўп айтар эди: "Шўро ҳукуматига Туркистон бир томорқа. У туну кун ер усти, ости бойлигимизни талаяпти. Бу ерда узоқ ҳукм суриши учун бир туғишган элни беш бўлакка бўлди. Уларни бир-бирига ётлаштириш учун эса бешовига беш хил ном, беш хил ёзув берди... Сен, ўғлим, бобонгга муносиб бўлиб ўс!..", деган ўгити ундаги ёвдан "ўч олиш истагини тийиб бўлмас даражада" кучайиб кетишига сабаб бўлади, душманларга қарши "Қурол билан эмас, қалам билан курашаман!" деган фикр миясига маҳкам ўрнашиб қолади. 4-синфгача қишлоғидаги мактабда ўқиганида ҳам, Боғдондан 14 километр нарида, паст-баланд қирлар орасида жойлашган Учқулоч конидаги мактабда 8-синфгача таҳсил олганида ҳам, уч йил Украинада танкчилар қисмида ҳарбий хизматни ўтаётганию армиядан сўнг Тула вилоятининг Ефремов шаҳридаги кимё комбинати қурилишида қатнашаётганида ҳам ана шу фикр хаёлидан кетмади. 1964 йил Ўзбекистонга қайтиб, Чирчиқ Кимё комбинатида уч йил машинист ёрдамчиси бўлиб ишлаган, шу ерда кечки ишчи ёшлар мактабида ўқиб, 11-синф маълумотига эга бўлган ва ТошДУнинг журналистика факультети сиртқи бўлимига ўқишга кириб Гулистон, Фориш, Пахтакор туман газеталарида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб вазифаларида ишлаб юрган кезларию таниқли шоира Зулфиянинг назарига тушиб, "Саодат" журналига ишга кирганида ҳам, ҳамиша — ҳамма ерда, умрининг энг сўнгги лаҳзаларигача онасининг ҳасратли сўзлари қулоғидан кетмади, юрагини ўртади. Жамики ёзганларида босқинчи ғанимни аямаслигининг туб илдизи ана шундан эди; шундан эди азиз элини, миллатини улуғлаши, халқининг асл туйғуларини, руҳий оламидаги, феълу атворидаги фазилату кечинмалари, орзу-армонлари, қайғу-ҳасратларини илоҳий меҳр билан бамисоли эзгин марсия, ўтли қўшиқ каби куйлашлари ҳам! Яхши кўргани, жон-жонидан суйгани учун оддий миллатдошларининг илтижою ўкинчларини ич-ичидан ўргандн, эъзозлади; гувраниб-эмраниб, эмраниб-гувраниб ёзди. Ёзганлари шунинг учун ҳам нафақат ўзбек насри тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади, балки туркий ва дунё адабиётида эътироф этилди, муносиб баҳоланди. Асарлари жаҳон халқларининг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинди. "Туманли кунлар" қиссаси Лондонда, "Кишанланган қалблар" Норвегияда, "Омонсиз йиллар" билан "Афсона ва ҳақиқат" эсселари Америкада, "Қўрқоқларнинг ватани ҳам, миллати ҳам бўлмайди" эссеси билан "Оқ гул" романи Канадада, "Бўзбўри" романи Буюк Британия ва Америкада, "Ойнур" романи Туркияда, "Бу тоғлар улуғ тоғлар" романи билан "Ҳақни айтмаслик хиёнат" эссеси Парижда нашр этилди.

3

Кучи, ғайрати танасига сиғмайдиганларнинг ҳаёти бошқаларникига ўхшамайди: ҳар лаҳзаси саргашта бўронлару довуллар ичра симобдай қалқиб-қалқиб кечади, гоҳо ўзлари ўзларига ташвиш сотиб олсалар, гоҳида кутилмаган хатоларга изн бериб, тахир қисмат аёзларига дучор бўладилар. М. Маҳмудов ҳам олағовур замонлар тўлқинида кўпикдек юзага чиқиб қолган айрим "даҳоча"лар таъсирида бир адашди ва қарийб йигирма йил ана шу адашув азобини тортди. Озодликка чиққанидан сўнг зил изтироб ичида тан олди аччиқ хатони. Ёлғончи деб аталадиган, аммо тирикларнинг ҳаммаси бир сонияси учун жону жаҳонини беришга тайёр турадиган бу ёруғ дунё билан видолашувидан икки ойча аввал Дўрмонда, Ёзувчилар боғидаги гурунгда: "Аттанг, эсим кеч кирди, кўзим кеч очилди", деган афсус-надоматларга тўла иқрори қулоғим остида эшитилиб турибди ҳозир ҳам. Бу сўзлар бундан йигирма йил аввал айтилганида... "Боғдоним", "Тоғ оҳуси", "Булоқлар", "Жиловлаб бўлмас қудрат", "Боғдон қашқири", "Қора дўлана" сингари яна неча-неча роману қиссалар адабиётимиз жавонини безаган, маънавият хазинасини бойитган бўлмасмиди, а?! Эҳ, дейишдан бошқа не чоранг бор...

4

Руҳи баланд, димоғи чоғ, ҳаётдан мамнун, жўшқин ижод кайфиятида эди умрининг сўнгги кунларида Мамадали Маҳмудов. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Ўразбой Абдураҳмонов Дўрмонбоғдаги ўн саккизинчи, мен ўн бешинчи коттежда турардик. Мамадали аканинг ўн учинчи коттежга кўчиб келганини эшитибоқ икковлон "Уй қутлуғ бўлсин!"га чоғландик. Қорувли бир йигит билан ҳовлини тартибга келтираётган экан. Дарахтларнинг қуриган, ортиқча шох-новдалари кесилиб, сандалбоп қилиб тахланган, ўйдим-чуқурлар текисланган; уй эгасининг хурсандчилиги эса ичига сиғмас даражада баланд, қоматига ярашиб турган яп-янги спорт кийими янаям бахтиёр, янаям ёш қилиб юборганди акани. Дарвозадан уйга олиб кирувчи йўлакка қўйилган коттежнинг ким-у кимларни кўрмаган қадимий стулларига пандемия тартибларига риоя қилган ҳолда масофа сақлаб жойлашдик. Аканинг қистови билан Ўразбой оға қорақалпоқчасига дуо қилди.

— Арақ бор. Зўрдан. Ичасизми? – дарров манзарат қилди мезбон мийиғида илжайиб.

— Мумкинмас. Пандемия! – астойдил рад қилди Ўразбой оға.

— Қуйруқмой билан арақ тожли вирусни давоси эмиш-ку! — "хо-хо"лаб кулди мезбон. — Сиз духтурларга ишонмайсизми? Ё қариб қолдингларми? — яна кулди. — Менгаям мумкинмас. Ўтиб кетди ўристи арағига чўмилиб, тўймай юрган пайтлар.

Қорувли йигит аканинг ҳамқишлоғи экан, чой дамлаб келди. Чойлашиб, гурунглашдик.

— Яхшилаб жойлашиб олдингизми?

— Бу ер жаннат экан-ку! — Саволимга ҳовлиқиб жавоб берди мезбон. — Ҳавоси худди Боғдонникидай топ-тоза! Тинч, тонг саҳарда кушчаларнинг сайраши демасанг, биров халақит бермайди. Сизникиям шунақами?

— Коттежларнинг бариси бир хил. Девор кетида катта ариқ бор, шабадасини сезгандирсиз?

— Роса тиниқиб ухлаяпман. Ёзаяпман. Бир йил турасиз дейишувди, рухсат беришса, яна тураман.

— Э-э, беш-олти йиллаб турганлар бор. Мен ҳам кетмоқчимасман, — деди таскин берувчи оҳангда Ўразбой оға. — Кетмайсиз. Учовимиз бирга айланиб юрамиз кечқурунлари.

— Ҳозир мендан зўр одам йўқ! — дея тўсатдан мақтаниб қолди қулочини кенг ёзиб Мамадали ака. — Бирданига иккита домлик ва коттежлик бўлдим. Бошпанасиз, Чирчиқ деган шаҳарларда сарсон бўлиб юрувдим, Президентимизнинг ўзи Юнусободдан, шундайгина метростанция ёнидаги элитний домдан яп-янги уй совға қилди. Деворлари пишиқ ғиштдан, эшик-деразалари аква, ҳовлисида автотураргоҳгача бор. Ёзувчилар уюшмаси ҳам икки хонали квартира, ҳам мана шу коттежни берди. Фақат пенсиямни тўғрилаш қийин бўляпти, — чуқур хўрсинди. — Беш юзгаям етмайди, — давом этди хиёл хомуш тортиб. — Ишлаган жойларимдаги ҳамма ҳужжатларни йўқ қилиб юборишган экан қамоқдалигимда, — яна мунғайиб қолди. — Ҳаммаси михдай бўлади! — хитоб қилди шу заҳотиёқ чеҳрасидаги ночорликдан нишон қолдирмай. — Одамзот қизиқ-да, бўлгани сайин бўлсам, дейди. Йўғасам, нималарни кўрмади бу бош! Худога шукр, мана, яна энг бадавлат, ками йўқ одамга ўхшадим. Пенсия... — кутилмаганда яна хо-холаб юборди. — Пулинг кўп бўлса, яхши-да! Тўғрисини айтсам, тўғриланса, яхши бўларди. Анчагина қарзим бор. Қутилиб олардим. Бутун умидимни узган ишлар бўлдию бунисиям жойига тушади Худо хоҳласа. Зўр бўлади ҳаммаси! — яна тўлқинланиб шашт билан сўзлай кетди. — Энди ишлашим керак. Ватанда бўлаётган янгиланишларни оқ қоғозга эндиришим керак. Ёзаман. Шавкат Мирзиёев яратаётган мўъжизаларни ёзаман, дунёга кўрсатаман. Мен ҳеч кимга хушомад қилмайман. Тўғри гапни айтаман. Айтган гапимга ҳамма ерда жавоб бераман. Шавкат Мирзиёевни Тангри миллат бахтига берди. Мен у кишини ирригация институтида домлалигидан бери яхши биламан. Йигирма тўрт соат тинмай ишлаб, чарчамайдиган одам. Лекин шундай одамниям қадрига етмайдиган, ҳар хил бўҳтонлар тарқатадиган нокаслар, афсуски, бор. Оз, лекин бор. Жуни тўкилган лайчадай маҳаллага маълум уларнинг афти башараси. Сиз биласиз, мен бўлсам жуда яхши танийман: айримлари собиқ, айримлари содиқ жўраларим. Менинг эътиқодимни улар ҳам яхши билади. Орасида менга ўхшаб адашганиям, билиб-билмай хато қилганиям, афсуслангани ва хатосини тан олмай юрганиям бор. Мен уларга кўкайдаги кирни артиб ташланг, аламзадаликни қўйинг, деб насиҳат қилмайман. Лекин... лекин мен: биринг икки бўлмаса, кўчангдан ҳаловат, гузарингдан тинчлик йўқолса, қишлоғинг тўпалангхонага айланса — менга байрам, дегандай юришга қаршиман. Қўлингдан чигирткани иши келадими, шерникими, халқингга қил, халқингга кўрсат. Ҳуда-беҳудага худдики ер у жаҳонни гуллатиб юборадигандай аюҳаннос солиш, бир-биримизга мағзава тўкиш бизга ярашмайди — эшитганлар устимиздан кулади, куляптиям. Кўзимизни катта-катта очиб, юртдаги ўзгаришларга қарайлик, кўзи юмуқлар бўлса, мошдай очиб қўяйлик. Ҳозир эсипастлик, мансабпарастлик, манманлик кетмайди; қаерда худбин ё таъмагир бўлса, эл ютуғидан ичи тўкилиб кетадиган бахиллар бўлса, тўғри йўл кўрсатайлик. Бирлашмасак бўлмайди. Тарихга қаранг, ҳамма фожеаларимизнинг илдизи бош-бошдоқликка бориб тақалади!

Шу калималарни тилга олаётганида ўтирган жойида бир неча марта кўтарилиб-кўтарилиб қўйди.

— Абу Райҳон Беруний ҳазратларининг ибратли бир сўзи бор, ўқигансиз, албатта, – деди Ўразбой оғага чой узатиб. — Ул зот тараққий этиш, йўқ бўлишга сабаб бўладиган табиий ҳодисаларни текширар экан: "Денгизлар қуруқликка, қуруқликлар денгизга, саҳролар водийга, водийлар саҳрога, тоғлар текисликка, текисликлар тоғларга айланади. Табиатда қотиб қолган нарса йўқ. Дунёдаги ҳамма нарса маълум вақтдан кейин бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради", дейди. Шундай. Менингчаям, дунёда ҳамма нарса ўзгаради, аммо худбин деган Худо қарғаган қавмни тўғрилаш жуда қийин, ҳатто гўрга кирганидан кейин, ер остида ҳам жим ётмаса керак, деган хаёлга бораман айримларга қараб туриб. Қирқпесдар, дейди биз томонларда жайдарича қилиб унақаларни!

Мамадали ака беихтиёр яна қизишди: ҳамлага чоғланган бургут шижоати сувратланди қиёфасида – ҳавасим келди. Қарилик — қиш, қарилик — сустлик; кексалик қарашларни жўнлаштиради, юрак ҳам, ҳис-туйғулар ҳам совиш ва ҳорғинликка юз тутади, дейилмиш гапларга ишонгинг келмасди акага қараб туриб. Ахир, саксоннинг томоғига бориб қолган одам-а, у!

— Қишлоққа, Боғдонга бориб келдим. Йигирма йилдан кейин, расман Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг йўлланмаси билан. Ҳали бир ҳафтаям бўлмади, – пиёласидаги чойни ҳўплаб-ҳўплаб, салмоқлаб-салмоқлаб давом этди у. — Қишлоқларни, Форишни, Жиззахни айландим. Ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Ахир, салкам ўттиз йил туғилган жойига боролмаган банда эдимда мен. Вой-бў-ўй! Эртак. Афсона! Ўттиз-қирқ йилда бўлмаган ишлар бўлибди уч-тўрт йилда. Жиззах бутунлай бошқача бўлиб кетибди. Манзаралар, кўчалар, уйлар, бинолар, боғлар, одамлар — ҳаммаси бошқача. Ёзиш керак. Ёзаман деган ёзувчига тайёр роман, тайёр достон — унча-мунча китобга сиғмайди. Юрагимдаги чин гапни айтайми: бундай тараққиётни кўрмаган, кўролмаганларнинг кўзи



оқиб тушади! Ахир, Ватанимиз тарихида бундай қутлуғ дамлар қачон бўлган? Фақат ичи қора кимсагина буни кўрмаслиги, пана-пастқамлардан: "Ўзбекистонда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти", деб иғво қилиши мумкин.

Бутун дунё мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, ғоявий, маънавий, руҳий янгиланишларни тан олиб турганда, буни кўрмаслик: сўқирлик. Тўғри, кўп, камчиликлар кўп ҳали. Ўмарилган, ўзбекни хонавайрон қилган миллиардлар қайтарилса, коррупция таг-туби билан қўпорилса, шаффоф декларация жорий қилинса. Айтишга осон. Лекин "Гўзал кунлар келишини кутма, унга томон боришни унутма", деган Жалолиддин Румий ҳазрат. Бизда ҳам кутиб ўтирилган эмас, энг муҳими, истак бор, қатъий ҳаракат бор. Ўзбекистон тараққиёт йўлига кирди. Ваҳоланки, юз йиллар давомида қаровсиз, эгасиз қолдик-ку! Мустақилликка эришдик, энди зўр бўлади, девдик, ҳеч бало бўлмади. Яна ёлғон, ўғирлик, қўшиб-чатиш, кўзбўямачилик. Ҳали тўрт йил ҳам бўлгани йўқ эл кўксига шамол тегканига. Эссе ёзяпман, "Олтин ўлка". Бир қисми, — деб менга юзланди, — сизнинг ЎзА билан, Ҳусан Эрмат жанобларининг "Ишонч" газетида чиқди. Зўр илҳом билан давом эттиряпман, катта китоб қиламан. Жиззахнинг нималигини, нималарга қодирлигини кўрсатаман. Кўпчилик яхши билмайди. Жиззах — очилмаган қўриқ. Пахта, чорва, боғдорчилик — булар азалий ва абадий мавжуд нарсалар. Ундан ташқари олтин, кумуш, темир, қўрғошин, руҳ, эҳ-ҳе, Менделиев деганларининг жадвалидаги ҳамма маъдан бор. Бутун Ўзбекистонни боқиш, гуллатиб-яшнатиш, боғу бўстон қилишга етиб-ортади ундаги бойликлар. Римга тенгқур маскан, ахир, Жиззах! Птолемей, Плутрах, Плиний, Юстин, Драйзен, Дионист, Наршахий ва бошқа яна ўнлаб қадим давр олимлари битиклари буни тасдиқлайди. Беаёв таланди, вайрон қилинди: аҳамонийлар, араблар, сомонийлар, чингизийлар... энг охирида шўравийлар...

Тангри қўллови, Президент журъати билан вилоят энди-энди ўзини ўнглаяпти. — Мамадали ака тўлқинланиб, илҳомланиб, тобора очилиб кетаверди. — Бугун вилоятда уч мингдан зиёд корхона ишлаб турибди. Уларнинг сони яқин-яқинларгача мингдан ошмас эди. Гагарин, Манас, Хонбанди каби шаҳар ва шаҳарчалар деярли қайта қурилибди. Яна қанча қишлоқлар обод этилибди. Янгидан қурилган фабрикаю заводларнинг саноғига етиш қийин. Меҳрибон деган соддагина шоира бор экан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари, шу аёл йўлбошчилик қилди. Энди сафардан олган таассуротларимдан биттасини мен айтай, сиз эшитинг: Жиззахда Ўрта Осиёда ягона бўлган базалт кони ва заводи бор. Базалт – бу тош. Космосдан то оддий арматурагача бугунги кунда усиз "нафас" ололмайди. Энг муҳим тармоқлар: сув иншоотлари, ҳарбий саноат, учоқсозлик, кемасозлик, метро, темир йўл, йўллардаги кўтармалар, кўприклар — деярлик барча қурилиш соҳаларида ишлатилади. Чунки базалт маҳсулотларидан тайёрланадиган арматура, компазит сетка, фабривалка темирникига нисбатан қирқ фоиз арзон, ўн марта енгил, мустаҳкам, занглармайди, иссиққа бардошли, аниғи, целсий бўйича уч минг даражагача чидайди, экологик тоза.

Заводга бордик. 330 одам тўрт сменада ишлаяпти. Бир кеча-кундузда 3,5 минг тонна тола ишлаб чиқаряпти. Жиззах шаҳридаги корхоналар ундан турли шакл, ҳажм ва узунликда арматуралар тайёрламоқда. Тошдан шунча маҳсулот! Афсона! Кўрдик, ҳайбатли ускуналар тошларни майдалаб, ипакдай майин толаларга айлантиряпти, махсус лаборатория ходимлари тола сифатини мунтазам назорат қилиб турибди. Яна 4-5 та завод қурилса ҳам захира минг эмас, беш минг йилга етиб ортар экан.

Учқулоч маъдан конидаям ҳазилакам ишлар бўлмаяпти. Бу ерда қазиб олишдан ташқари маъдан тошларини қайта ишлаб чиқаш фабрикасиям қуриляпти. Фабрика йилига 5 000 000 тонна ярим металл маъданни қайта ишлаб чиқаради. Содда айтсак, худди гуручдан курмакни ажратгандай қилиб, тошдан қўрғошин, руҳ, кумушни ажратиб беради. Яна битта мисол келтирмасам бўлмайди. Буям Ўрта Осиёда ягона, атом электр энергияси ишлаб чиқарувчи станция – АЭС. Қурилиб бўлгач, 1200 одам ишли бўлади, АЭС ёнида институт очилади. 2400 мегаватт қувватга эга иккита энергия блок ишга тушади. АЭС экологик жиҳатдан тоза бўлади, ис гази чиқармайди, жуда катта миқдорда табиий газ тежалади. "Ўзбекистон Швецарияси"га айланиб бораётган гўзал Зомин ошёнида ёки ҳадемай Сочи, Ялта, Сухуми каби обод маконлардан қолишмайдиган дам олиш масканларига айланиб кетадиган Ҳайдаркўл — уни маҳаллий аҳоли "Қизил денгиз" ҳам дейди — ҳақида гапирадиган бўлсам бир-икки кун камлик қилади. Насиб этса, буларнинг ҳаммасини ёзаман, аниқ далиллар билан, оқни – оқ, қорани – қора деб. Қўрқиб, ёлғон ёзадиган замонлар ўтди.

Ижодий лабораторияси эшигини атторнинг қутисидай ҳар кимга очиб кўрсатишни хушламайдиган одам, суҳбат жараёнида бу жабҳада ҳам бизга саховат кўрсатди: яна анча-мунча режаларини айтиб ташлади. Ҳун: ўзбек миллатининг келиб чиқиш тарихи; Зардуштий, Яҳудий, Буддавий, Насроний, Ислом динлари дунёга келмаган замонларда ҳам хунлар бўлгани, турк ботирлари жасурликни ўз аждоди — Хундан мерос қилиб олгани; туркий авлодимиз араб, юнон, эрон, рум, оссурий, ҳинд, хитойлардан юз-юз йиллар олдин, ҳали Оврўпо, Америка ухлаб ётган замонларда шаҳар-давлат қургани; ёзувни кашф этгани, мактаб очгани, шу алфавит — Шумер, Этруск ёзувлари асосида яҳудий, миср, урарту алифболари вужудга келгани, қисқаси, ўзбекнинг тарихи жуда узоқ замонларга бориб тақалиши ҳақида "Дунё цивилизацияси бешиги" номли туркум эсселар ёзаётгани борасидаги ҳикояларини маза қилиб эшитдик. "Алпомиш" достони, достоннинг пайдо бўлиши тўғрисидаги "Афсона ва ҳақиқат" эссени ёзиб тамомлаганини айтганида, Ўразбой оға сал ҳайрон қолгандай бўлди. У:

— "Алпомиш" тўғрисинда жуда кўп жазилған, Сиз... — деб энди гап бошловди, Мамадали ака сўзини бўлиб:

— Сен неларни жаздинг, демоқчисиз-да? – деб илжайди. Кейин, эсига бир нима тушдими, мен, ҳозир, деб аста ўрнидан турди, секин юриб, ичкари хонага кириб кетди. Жойидан қўзғалаётганида, уйга томон бораётганида қаддини олдинга ташлаб, бир тарафга эгилиброқ юришидан билиндики, умуртқасидаги касаллик ҳали тузалмабди. Қамоқларда уч марта юрак инфаркти олган, ошқозонида яра ва ўсимта орттирган, икки кўзи катарактага учраган, қони қуйилиб, камайиб кетган, ўт пуфагида олтита тош йиғилган, аденома касали узлуксиз қийнаган одамга умуртқа чурраси ҳам зулукдай маҳкам ёпишиб олганини эшитувдим. Юракдаги жарроҳликлар беҳад оғир кечганини эса сўнгги йиллардаги ҳамроҳ-дўсти Гулзамон Акбар айтиб берувди. Биринчи марта юрак фаолиятини назорат қилиш учун қўл томирлари орқали дори-суқлик юборилади. Шунда икки томиридан юрагига қон бормаётгани аниқланади. Иккинчи марта ўнг оёғининг тиззаси пастидан икки томир кесиб олиниб, юрагига уланади. Узоқ давом этган операция давомида ўпкасига қон қуйилади. Комага тушиб қолган бемор зудлик билан учинчи марта операция қилинади. Ўпкада тўпланган қонни олиб ташлаш учун адибнинг қовурға қисми кесилади... Темир иродали адиб бу синовлардан ҳам соғ-омон чиқади...

Ичкаридан тез қайтди. Қўлида бир даста қоғоз.

— Биз ҳозиргача "Алпомиш" достони тарихини, достон қайси замон, қайси маконда яралганини яхши билмаймиз, — эски стулга жойлашиб олгач, қоғозга қараб-қараб сўзлай бошлади у. — Бу достон Хун империяларининг энг гуллаган замонларида туғилган. Яъни милоддан аввалги 210 йилдан милоднинг 470 йилигача кечган даврларда. Тарих талқинича, мана шу 680 йил ичида Хун салтанати дунёга ҳукмрон бўлган. Эътибор беринглар, салкам етти аср! — Акадаги ғурурдан сездикки, ўқиётгани "Алпомиш" эссесидан парча. — Олам тарихида ўчмас ўрин олган бу сана Осмон ва Ер тургунча яшайди, — ўша оҳангда давом этди у. — Хун салтанатининг қудрати, довруғи айнан шу санадан бошланади. Яъни Ботир Тангриқут Хоқон бўлган йилдан. У Ўғизхон оти билан очун тарихига кирган. Ўғизхон 26 та давлатни ўзига тобе этади. Ўғизхон биринчи галда (эрамиздан олдинги 198 йил) Хитойни тиз чўктиради. Бойдинг тоғи жангида у Хан империяси қўшинларини енгади. Император Лийибонг Ўғузхонга ўз қизи — Нинг билан бирга беҳисоб олтин, беҳисоб ноёб нарсаларини беришга мажбур бўлади. Шу йўл билан у ўз жонини сақлаб қолади. Хитой қарийб юз йил Хун салтанатига ўлпон тўлайди. — Мамадали ака роҳатли ифтихор оғушида бизга бир-бир қараб олдида: — Ўша даврларга бориб тақалади "Алпомиш" бобомизнинг таржимаи ҳоли, — дея давом этди. — Олимларнинг ўрганганн ҳали чала. Умуман, тарихимизни, улуғ аждодларимизнинг дунё илмига, маданиятига, маънавияти тараққиётига қўшган ҳайратли ишларини, кашфиётларини яхши билмаймиз. Ибн Сино, Беруний, Жалолиддин Мангуберди, кечирасизу ҳатто, Бобур ҳазратларининг ҳаётиниям чуқур билмаймиз.

Бир умр миллатим деб ёниб куйган, аммо йигирма йил бутунлай унутилган ва шу йиллар ичида миллий матбуотда бир қатор ҳам сўзи чиқмаган адибнинг тилидан бундай гапларни эшитиш ҳам қувончли, ҳам ҳайратланарли эди.

Чидаган одамга чигалликнинг хосиятли томонлари ҳам бўлар экан: шунча йил четга суриб ташланган адиб қайта Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди, "Шарқ юлдузи", "Жаҳон адабиёти" журналларида, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Ишонч" газеталарида ҳикоя, қисса ва эсселари чоп этилди; бошида музаффар офтоб чарақлаб, ярақлай бошлаган дориломон кунларда эса... бу ёруғ олам билан мангу видолашди. Ундан ўзи каби ўзанига сиғмайдиган ёмби мерос қолди; Боғдон қоялари каби ноёб, бетакрор хазина қолди; қояларни ёзавериб, ўзиям қояга айланиб кетган жасоратли адиб сиймоси қолди. "Академнашр" чоп этаётган "Ойнур" унинг йигирма йилдан кейин ўзимизда чиқаётган биринчи китоби — бебаҳо ёмбининг бир ушоғидир. Ўқилмаган, ўрганилмаган, таҳлил қилинмаган – неча йиллардан бери нашрини кутиб ётган асарлари эса жуда кўп...

...Ўзанига сиғмай, пишқириб оқаётган дарё; баланд тоғларни кунпаякун қилмоқчидек ҳайқириб қирғоққа урилаётган асов тўлқинлар; ғайрати вужудидан тошиб кетаётган, "ичида деви бор" одам — Мамадали Маҳмудов (Эврил Турон) энди ўлмас асарлари ардоғида сизу биз билан, биздан кейинги авлодлар билан бирга – ҳамнафас, ҳамфикр бўлиб яшайверади...

**Хуршид НУРУЛЛАЕВ**

# ҲАЙРАТ СУВРАТЛАРИ



## Мусаввир

**Уйғониб, илк иши, бериб эътибор
Майсалар ёпинган оппоқ бўзига,
Қуёш чапдаст нурли бармоқлари-ла
Жило бера бошлар барглар юзига.**

**Япроқлар гирдига тортар сарғиш ранг,
Сўнг тўлар яшил сатҳ қизғиш холларга.
Янги келинчакнинг уйига монанд,
Атлас илиб чиқар терак, толларга.**

**Тоғларнинг чўққисин бўяйди оққа
Жилғадан айрилган сой ҳоли абгор.
Қўл силкиб учгандек турна галаси
Уфқнинг чизиғига тизилиб қатор.**

**Рассомлик оғир иш – толиқар қуёш,
Булутга юз артар, ботади терга,
Сўнг машқдан қониқмай дарахт баргларин
Ғижимлаб отади битталаб ерга.**

* * *

**Қор ёғар сукутга бермайин озор,
Силаб-сийпашидан дов-дарахтлар маст.
Қаймоқ тортиб борган сутдек майсазор,
Сой мавжли-ку, аммо оқади бесас.**

**Ҳайратнинг суврати уй деразаси,
Ойнадан кўз узмай анқаяр бола.
Билмас у, бу кузнинг сўнгги азаси,
Хазон – қор остида жон берган нола.**

**Ўспирин йигитча шундай ҳавода
Велосипед миниб кўчадан ўтар.
Қизнинг қулоғига тегар наводай,
Йигит саломини англатган йўтал.**

**Мусаввир чизгандек гўзал манзара,
Қиз ва велосипед минган ўспирин.
Бола деразадан турибди қараб,
Ноёб воқеликнинг тушунмай сирин.**

**Ҳайратдан гунг бўлиб қолгандек олам,
Севгини олқишлаб ёғар гўё қор.
Ишқ билан дил обод, унутилар ғам,
Қор билан бурканган қишда маъно бор.**

## Чол ва қиш

**Қалбни ҳаприқтирган манзара –
Эски ҳовли безанган қорга.
Қишга қойил – гарчи қор зарра,
Уни терган узун сим торга.**

**Сукунатнинг тинчин бузмай деб,
Сас чиқармай кириб келар тонг.
Сўнг уфққа қадаб олтин сеп,
Яшнаб кетар, таратгандек бонг.**

**Жимирлайди нурда қор, нигоҳ
Қамашади, тикилмоқ мушкул.
Супада қуш чирқирар ногоҳ,
Ушоқ топган, айтарми шукр.**

**Очилади эшик, буғ чиқар,
Сўнг ортидан кўринади чол.
Кейин бола – суюкли жигар,
Уйқу юзин бўғриқтирган – ол.**

**Қария қош керар норози,
Бола ўзин тортар орқага.
Супадаги ғужанак този
Туриб, олар йўл томорқага.**

**Ҳовлидаги шарпани сезиб,
Маъраб қўяр оғилдан сигир.
Чолни фикри қўяр бир эзиб:
“Эсиз, тарғил қолди-да қисир”.**

**Совуқ қайраб турса ҳамки тиш,
Баҳри дилни очар оппоқ қор.
Қуёш билан қутлар чолни қиш
Юз кўришиб тўқсонинчи бор.**

* * *

**Ёғаётган қорлар – қишнинг гуллари,
Симобий ранглардан энтикар кўнгил.
Тангрига чўзгандай очиб қўлларинг
Дейсан, «Қор, кел менинг кафтимга қўнгил».**

**Қорлар-чи чиройли бири-биридан, –
Табиат, энг буюк ижодкор ўзинг.
Изоҳ тополмай бу истак сиридан
Бўсага тутасан қорларга юзинг.**

**Дунё оқаради онанг сочидай,
Билмайсан, нечундир ёшланар кўзинг.
Туюлар борлиқнинг уфқ қулочидай,
Ёғаётган қорлар руҳингми, ўзинг.**

# ГАЛЕРЕЯ:

## Ўзбекистон халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев ижодидан



*Тоғда (1951 йил)*



*Балиқчилар қўшиғи (1934 йил)*



*Менинг қўшиғим (1972 йил)*



*Кўчманчи (1931 йил)*

МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 145 ЙИЛЛИГИ

# «ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ...»

*Маълумки, шу кунларда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъаласини баланд кўтарган улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги кенг нишонланмоқда.*

Буюк маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг отаси Беҳбудхўжа Солиҳхўжа ўғли Зарафшон дарёси яқинидаги Бахшитепа қишлоғи имом-хатиби сифатида элга маърифат улашиб яшаган. Демакки, илм-маърифат, юрт қайғуси отадан фарзандига ўтган.

Отаси ва оила муҳити (тоғаси) таъсирида камолга етган Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида шогирди ва издоши Ҳожи Муин “Учқун” журналида шундай ёзади: “Беҳбудий афанди 6-7 ёшға киргач, ўзининг катта тоғаси Муҳаммад Сиддиқ ҳузурида ўқуб хат ва саводини чиқарди. Сўнгра ўзининг отаси Беҳбудхўжани қори қилдурмоқ мақсади билан унга оз-оз Қуръон ўргатиб ёдлата бошлади. 3-4 йил ичида Беҳбудий афанди Қуръонни бутун ёдлади ва рамазон кечаларида хатмларға ўтуб юрди. Беҳбудий афанди уч кечалик бир хатмда ёлғуз биргина хато қилғон, дерлар. Бу эса унинг қувваи ҳофизаси на даражада эканлигини кўрсатади”.

Замондошлари орасида ўзининг кучли илми билан ажралиб турган Маҳмудхўжа хорижий тилларни пухта эгаллайди. Ёш пайтидан дунё кезади, Миср, Шом давлатлари, Жазоир, Туркияда ва Россиянинг бир неча шаҳарларига саёҳати давомида Европа маданияти билан ҳам қизиқади. Қозон ва Оренбургда араб имлосида нашр этиладиган газета ва журналлар билан ҳамкорлик қилади. Унинг мақолалари мазкур нашр саҳифаларида эълон қилинади. Ушбу сафарлар чоғида, яъни Қримда бўлган пайти Беҳбудий жадидчилик ғоясининг асосчиси, йирик мутафаккир Исмоил Гаспирали билан танишади. Мазкур учрашув маърифатпарвар олим сиёсий қарашлари, тафаккурига катта таъсир кўрсатади.

Сафардан қайтган Беҳбудий ўзининг маърифатпарварлик фаолиятига қатъий киришиб, бир неча газета, журнал ва китоблар нашр эттиради, Исмоил Гаспиралининг “Таржумон” газетаси доимий муаллифига айланади. 1903 йилда “Қисқача умумий жуғрофия”, 1904 йилда “Болалар учун китоб” асарларини ёзади. 1912 — 1913-йилларда “Самарқанд” газетаси нашр этилишига катта ҳисса қўшади.

Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг саъй-ҳаракати билан 1913 йилнинг август ойида “Ойина” журнали дунё юзини кўради. Ҳафталик, суратларга бой бу журнал асосан ўзбек тилида чоп этилди. Эътиборлиси, журнал Кавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркия давлатларига қадар тарқатилди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий XX аср ислом дини маърифати тарғиботчиси, ўзбек адабиёти, илм-фани, журналистикаси ривожи учун самарали ҳисса қўшди. Янги усулдаги мактабларнинг асосчиси ва тарғиботчиси, янги дарсликларнинг илк муаллифига айланди. Буюк маърифатпарвар ва жадидчилик ҳаракатининг етакчиларидан бири сифатида миллий маданиятимиз тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Аллома халқни зиёли, маърифатли қилиш йўлида меҳнат қилди. Мутафаккир: “Сизларға васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар!”, дея зиёлиларни, халқни бирлашишга чорлади.

Дарҳақиқат, Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллат тараққиётига қўшган ҳиссаси беқиёс эди. Унинг олиб борган ишларини ёш авлодга етказиш бугунги кунда долзарбдир. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон халқаро ислом академиясида аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган кўплаб тадбирлар, учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида илмий мақолалар эълон қилинаётир.

Пойтахтимиздаги Адиблар хиёбонида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида “Беҳбудий ва барҳаёт ғоялар” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирда ўзбек адабиётининг буюк сиймоси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва ижоди, юрт ривожига қўшган ҳиссаси ва халқаро ҳамкорлик борасидаги ютуқлари муҳокама этилди. Алломанинг диний ва дунёвий салоҳияти, муфтийлик фаолияти ва ҳаж сафари, ўзбек адабиёти ва матбуоти тараққиёти учун олиб борган ишлари ҳақида талабаларга сабоқ берилди. Тадбирда алломанинг муфтийлик фаолиятига алоҳида тўхтаб ўтилгани ҳам талабалар учун янгилик бўлди.

Жадидлар дафтари



**Тил бирлигининг фойдалари жуда яхши маълум. Зеро, тил бирлиги дўстлик, муҳаббат, бир-бирига ёрдам ва жипслашувнинг асосидир.**

Маҳмудхўжа Беҳбудий

Шунингдек, “Маҳмудхўжа Беҳбудий — Марказий Осиё жадид маърифатпарварлари йўлбошчиси” мавзусида барча таълим йўналишлари учун очиқ дарслар ташкил этилди. “Миллат ойдин”ларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссасига оид факультатив дарслар, дин ва жамоат арбобининг илмий мероси ва фаолияти тўғрисида битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертацияси ҳимоялари ўтказилди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ислом тарихи ва амалиёти, дунёвийлик ва динийлик борасидаги қарашларини ўрганиш ва талабаларга етказиш билан бир қаторда академия ахборот-ресурс маркази алломанинг янгидан нашр этилган асарлари билан бойимоқда.

Бундан ташқари, режада белгиланганидек, Адиблар хиёбонининг аҳамияти ва ўзбек адабиёти намояндаларига бағишланган махсус курс ташкил этиш кўзда тутилган. Араб тилида Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг ҳаёти ва ижодини тўлиқ акс эттирувчи рисола тайёрлаб, фан бўйича ўқув дастурларига киритиш, “Маҳмудхўжа Беҳбудий диний-маърифий қарашларининг замонавий талқинлари” мавзусида республика онлайн илмий-амалий конференциясини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, Беҳбудий ҳаёти ва илмий мероси тадқиқотларига бағишланган “Ислом тафаккури” илмий журналининг махсус сони, ҳужжатли фильм тайёрланяпти.

Ўзбекистон халқаро ислом академиясида алломанинг маърифатли ҳаёти муфассал ўрганилмоқда. Ижод намуналари тўпланиб, мутафаккир ҳақидаги архив материаллари жамланяпти. Академия ҳудудида “Маҳмудхўжа Беҳбудий” ёки “Илм ва маърифат” боғи, “Маҳмудхўжа Беҳбудий” музейини ташкил этиш бўйича амалий ишлар бошланган. Мазкур жараёнда эса жадидчилик ҳаракати етакчиси қолдирган маънавий мероснинг янги маъно сарҳадлари зоҳир бўлиб бормоқда.

**Зоҳиджон ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор**

## Таваллуд кунлар



**Одина Назруллаева** — 5 декабрь (1956 йил) — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театр актёри, Ўзбекистон халқ артисти.



**Хайрулла Саъдиев** – 6 декабрь (1940 йил) — Ўзбекистон давлат сатира театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти.



**Абдуғани Рўзиев** — 6 декабрь (1963 йил) — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри актёри.



**Раҳим Мирзакамолов –** 6 декабрь (1985 йил) — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри актёри.



**Дилшод Ражаб –** 7 декабрь (1964 йил) — шоир.



**Чоршаъм Рўзиев –** 8 декабрь (1955 йил) — шоир.

**“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”да бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2020 йил 2 декабрдаги ОЮ-05/05-971-сонли такрорий буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 101-уй манзилида сақланаётган “Эпика” русумли 2011 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 037 WGA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 49 740 952 сўм.

Аукцион савдосига **2020 йил 15 декабрь** куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2020 йил 11 декабрь куни соат 18-00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

**Юқоридаги автотранспорт 2020 йил 15 декабрь кунида сотилмаган тақдирда,** такрорий савдолари 2020 йил 24 декабрь, 2021 йил 4, 14, 25 январь, 2, 11, 22 февраль, 3, 15 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр Банк” Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0005 7145 2002 МФО: 01069, СТИР: 200933850.

Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Телефон: (71) 237-23-82. **www.rmm.uz.** Гувоҳнома: 001805.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиб, журналист

**Сотволди РАЖАБОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



**O‘zbekiston adabiyoti va san’ati**

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

*Муассис:* ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

*Ҳамкоримиз:* imzo akfa

Бош муҳаррир **Салим АШУРОВ**

***Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.***

**Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ**

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5013. Буюртма Г - 1255.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ**
**Сотувда нархи эркин.**

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*